БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 80 (17.073). ● 7 апрель 1978 йил, жума ● Баҳоси 2 тийин.

УМУМХАЛҚ ДАВЛАТИ КОНСТИТУЦИЯСИ

Сиёсий адабиёт нашриётида «Умумхалқ давлати Конституцияси» ҳужжатлар тўплами босилиб чиқди.

Китобда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг СССР Конституцияси тўғрисидаги нутқлари, СССР Конституцияси, КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети, СССР Олий Совети Президиумининг умумхалқ давлати Асосий Қонунини ишлаб чиқиш, уни муҳокама этиш ва қабул қилиш тўғрисидаги ҳужжатлари берилган.

Совет давлатининг илгари амалда бўлган конституциялари — 1918, 1924 ва 1936 йиллардаги конституциялари ҳам ҳужжатлар тўпламига кирган.

Китобни Москвадаги «Красний пролетарий» босмахонаси нашр этган.

(ТАСС).

«КОСМОС-1001» ПАРВОЗДА

1978 йил 4 апрель куни Совет Иттифоқида Ернинг навбатдаги сунъий йўлдоши «Космос-1001» учирилди.

Йўлдош бортида космик фазони тадқиқ қилишни давом эттириш учун мўлжалланган илмий аппаратлар ўрнатилган. Аппаратлар нормал ишлаб турибди. Координацияҳисоблаш маркази олинган маълумотларни ишлаб чиқмоқда. (ТАСС).

ЎРТОҚ Л. И. БРЕЖНЕВ ВЛАДИВОСТОККА КЕЛДИ

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев 6 апрелда Владивостокка келди.

Л. И. Брежнев билан бирга КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР мудофаа министри Д. Ф. Устинов, КПСС Марказий Комитетининг бўлим мудири Л. М. Замятин келдилар.

Л. И. Брежнев ва Д. Ф. Устинов ўртоқларни вокзалда КПСС Приморье ўлка комитетининг биринчи секретари В. П. Ломакин, СССР Ҳарбий-Денгиз Флоти бош қўмондони, Совет Иттифоқининг флот адмирали С. Г. Горшков, Приморье ўлка партия комитетининг бюро аъзолари кутиб олдилар.

(ТАСС).

Илгари хабар қилинганидек, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев 5 апрель куни Хабаровскда бўлди. Суратда: ўртоқ Л. И. Брежневни кутиб олиш.

В. Мусаэльян ва В. Кузьмин телефотоси. (ТАСС).

КПСС УЗОҚ ШАРҚ ЎЛКА ВА ОБЛАСТЬ КОМИТЕТЛАРИ БИРИНЧИ СЕКРЕТАРЛАРИНИНГ КЕНГАШИ

КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев 6 апрель куни Владивостокда КПСС Узоқ Шарқ ўлка ва область комитетларининг биринчи секретарлари ва Приморье ўлка партия комитетининг бюро аъзолари билан кенгаш ўтказди.

Кенгашда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси Д. Ф. Устинов, КПСС Марказий Комитетининг бўлим мудири Л. М. Замятин, КПСС Приморье ўлка комитетининг биринчи секретари В. П. Ломакин, КПСС Хабаровск ўлка комитетининг биринчи секретари А. К. Черний, КПСС Амур область комитетининг биринчи секретари С. С. Авраменко, КПСС Камчатка область комитетининг биринч секретари Д. И. Качин, КПСС Магадан область комитетининг биринчи секретари С. А. Шайдуров, КПСС Сахалин область комитетининг биринчи секретари П. А. Леонов қатнашдилар.

Биринчи секретарлар ўз нутқларида Узоқ Шарқни иқтисодий ва социал ривожлантириш, меҳнаткашлар фаровонлигини ошириш соҳасида КПСС Марказий Комитети ва шахсан ўртоқ Брежнев ўтказаётган тадбирларнинг катта аҳамиятини таъкидладилар. Улар барча тармоклар муттасил юксак суръатлар билан ривожланишларига, ишлаб чиқаришни ва ижтимоий-маданий қурилишни ўсишини, ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини ошириш, меҳнат унумдорлигини ошириш, ишлаб чиқаришнинг ҳажмини кенгайтириш, ишлаб чиқаришнинг самарали ва сифатли бўлишини таъминлаш, ишлаб чиқаришнинг ва ишчилар синфининг ижтимоий-сиёсий ва маданий ўсишини, ишчилар синфининг ва деҳқонларнинг ҳамкорлиг

ЎЗБЕКИСТОН ССРНИНГ ЯНГИ КОНСТИТУЦИЯСИ ЛОЙИҲАСИ УМУМХАЛҚ МУҲОКАМАСИДА

ҲАЁТИМИЗНИНГ АСОСИЙ ҚОНУНИ

Ўзбекистон ССР янги Конституцияси лойиҳасининг умумхалқ муҳокамасига қўйилиши республикамизнинг барча меҳнат аҳли сингари Жиззах Бош насос станцияси бунёдкорлари ғайратига ғайрат қўшиб юборди. Қурувчилар станциянинг биринчи навбатини муддатидан илгари, шу йилнинг ўзида фойдаланишга топшириш мажбуриятини олишди.

Суратларда: (чапдан) 1. Қурилишнинг энг яхши пайвандчиларидан Б. Маркин. Унга коммунистик меҳнат зарбдори деган ном берилган. 2. Насос станцияларида қувурларни ўрнатиш пайти. 3. Арматурачилар бригадаси бошлиғи В. Ливада. У раҳбарлик қилаётган коллектив топшириқларни 150 процент бажариб, камида 5 процент металлни тежаб қолишга эришмоқда.

А. Кудряшов фотолари.

ИТТИФОҚ КОЛХОЗЛАР КЕНГАШИ МАЖЛИСИ

5 апрель куни Москвада Иттифоқ колхозлар кенгаши мажлиси бўлди. Мажлис қатнашчилари бултур колхозларнинг ишлаб чиқариш-молиявий фаолияти якунларини ҳамда КПСС Марказий Комитетининг 1977 йил декабрь Пленуми ҳамда қишлоқ меҳнаткашларининг КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг социалистик мусобақани ривожлантириш тўғрисидаги Мактубидан келиб чиқадиган қоидалар ва хулосалар асосида бу йилги план ва мажбуриятларни бажариш борасидаги вазифаларини муҳокама қилдилар.

Докладчи СССР қишлоқ хўжалиги министрининг ўринбосари А. Б. Чубаров ва мажлисда сўзга чиққан кишилар бўлтур колхозлар жами доннинг ярмидан кўпроғини, пахтанинг 70 процентини, қанд лавлагининг 90 процентини, шунингдек анчагина гўшт, сут ва бошқа маҳсулотлар етиштириб, давлатга сотганлигини айтдилар.

Мажлисда Иттифоқ колхозлар кенгашининг раиси, СССР қишлоқ хўжалиги министри В. К. Месяц нутқ сўзлади.

Мажлис ишида КПСС Марказий Комитети Қишлоқ хўжалиги бўлимининг мудири В. А. Карлов иштирок этди. (ТАСС).

ЗАМИН СИРЛАРИ

Ўзбекистон ССРнинг янги Конституцияси лойиҳаси билан танишиб чиққан ҳар бир киши турмушимизда энг олий ижтимоий ғояларни амалга ошираётган доно ленинчи партиямизнинг сиёсатидан ғоят миннатдор бўлмоқда ва қалбларида чуқур ватанпарварлик туйғулари жўш урмоқда. Бу ҳужжатда Ўзбекистон ССРнинг иттифоқдош республикалар аҳил оиласида, улуғ рус халқи ва бошқа қардош халқларнинг бегараз ёрдами билан келажакда янада гуллаб-яшнашига замин яратиб берилган. Шу муносабат билан илм аҳллари олдида жуда муҳим ва масъулиятли вазифалар турибди. Бизнинг коллектив — Нефть ва газ конлари геологияси ҳамда разведкаси институтининг ходимлари ҳам ўз зиммаларидаги вазифаларни яққол сезиб турибдилар.

Институтимиз 1959 йили Бутуниттифоқ нефть геология-қидирув институтининг Ўзбекистон филиали ва республика Фанлар академияси Геология институтининг нефть ва газ геологияси бўлими негизида ташкил топган. Ўша кезларда Ўзбекистонда нефть ва газ конлари очилиш истиқболлари ҳали яхши ўрганилмаган эди. Фақат Фарғона, Сурхондарё ва Бухоро областларида чўкинди жинсларнинг юқори қисмларида нефть ва газ борлиги исботланган эди, холос. Жанубий-ғарбий Ҳисор ва Устюртдек йирик майдонлар ҳали тўла текширилмаган эди. Шунинг учун ҳам институтнинг ёш коллективи олдида муҳим ва масъулиятли масала, яъни республикамизнинг ҳамма жойларида чўкинди жинсларнинг пастки қисмларини ва ҳали текширилмаган районларни ўрганишдек вазифалар турарди. Хозир биз фахр билан айта оламизки, ана шу вазифалар асосан муваффақиятли ҳал қилинди ва ҳаёт илгари сурган янгидан-янги масалалар устида иш олиб бормоқдамиз.

1965—1966 йиллардаёқ Фарғона, Сурхондарё, Бухоро ва Хоразм областларя бўйича тектоник, геохимик ва гидрогеологик хариталар тузилиб, нефть ва газ йиғилиши мумкин бўлган жойларнинг чегаралари кўрсатиб берилган эди. Бу эса ўз вақтида кидирув-разведка ишлари учун илмий томондан асосланган йўл-йўриқ бўлиб қолди. Устюрт ва жанубий-ғарбий Ҳисор районларида эса махсус тадқиқотлар олиб борилиб, уларнинг нефть ва газга истиқболи ижобий баҳоланди. Кўп ўтмай бу фикр Шохпахти ва Одамтош газ конларининг очилиши билан исботланди.

Даставвал институт коллективи регионал геология, литология, палеогеография ва геохимия соҳаларига эътибор берди. Шу билан бирга нефть ва газ конларини қидириш ва топиш, нефть ва газ геохимияси, теран парамалаш техника ва технологияси устида ҳам ишлар олиб борилди. Бу тадбирлар кейинчалик институтда нефть ва газ геологияси фанининг барча соҳаларига бўйича кенг кўламда иш олиб боришга замин яратди.

1970 йилгача институтда ўта теран қудуқлар (беш минг метр) парамалаш технологияси бўйича тадқиқотлар олиб борилди ва бу ишлар муваффақиятли адо этилди. Айниқса К-4 полимер реагенти асосида катта иқтисодий самарага эга бўлган эритмалар яратилиши диққатга сазовор. Шу билан бирга катта ҳарорат ва босимга эга бўлган қатлам шароитида ишлашга мўлжалланган ҳаддан ташқари оғирлаштирилган лой эритмалари ва солиштирма оғирлиги 1,5-2,1 грамм/куб сантиметр бўлган цемент эритмалар вужудга келтирилди ва ишлаб чиқаришга жорий этилди.

Институт қошида тажриба-методика партияси ташкил қилиниши ишлаб чиқаришнинг кечиктириб бўлмайдиган баъзи масалаларини оператив равишда ҳал этиш, тугалланган илмий ишлар натижаларини ишлаб чиқаришга жорий қилишни тезлаштиришга имкон берди. Шунингдек, янги соҳалар ҳам очилди. Нефть ва газ конлари геологияси, ўта аниқ гравик қидириш, сейсмик қидирув усулини такомиллаштириш, таянч парамалаш материалларини қомплекс ишлаш, газ конденсатини ўрганиш, газ олтингугурти истиқболига баҳо бериш, нефть ва газ бўйича геология-қидирув ишларини перспектив планлаштириш ва бошқалар шулар жумласидандир.

Етмишинчи йилларга келиб институтнинг лабораторияларига техника базаси кенгайди. Бу эса ўз навбатида илмий ишлар сифатини оширишга, нефть ва газ конларини топишнинг назарий асосини ривожлантиришга олиб келди. Ишлаб чиқариш билан алоқа мустаҳкамланди, шартномалар асосида иш олиб бориш кенгайди.

Нефть ва газнинг пайдо бўлишини ҳали тўла ҳал этилган масала деб бўлмайди. Институт бу соҳада ҳам кенг кўламда иш олиб борди. Нефть ва газнинг табиий пайдо бўлиш яраёни лабораторияда тажриба усулида моделлаштирилди. Бу эса нефть ва газнинг пайдо бўлиши масаласини бир ёқлама ҳал этишда ва органик назариянинг айрим томонларини ривожлантиришда муҳим роль ўйнади. Бу назарий ютуқ катта амалий аҳамият касб этди. Яъни нефть ва газ топилиши мумкин бўлган жойларни алоҳида белгилашга ва уларнинг қайси чўқурликларда учрашини аниқлашга муваффақ бўлинди.

Институт томонидан ишлаб чиқилган асосий назарий тадқиқотлар бир қатор йирик монографиялар шаклида нашр этилган. Шунингдек, улар кўпгина Бутуниттифоқ кенгашларида, халқаро конгресс ва симпозиумларда йирик олимлар таҳсинига сазовор бўлган.

Ҳозир институтимиз нефть ва газ геологияси соҳасида назарий ва амалий тадқиқотлар олиб борадиган ҳамда олий малакали илмий кадрлар тайёрлайдиган йирик марказлардан бири бўлиб қолди. Бунинг исботи сифатида институт қошида нефть билан газ геологияси ва разведкаси бўйича докторлик диссертациялар ёқланадиган Ўрта Осиёда ягона ихтисослаштирилган кенгаш ташкил қилинганлигини ва унинг Олий аттестация комиссияси томонидан тасдиқланганлигини кўрсатиб ўтишимиз мумкин.

Ўтган йиллар мобайнида институт томонидан 130 дан ортиқ фан кандидати ва 10 нафар фан доктори тайёрланди. Улар Ўзбекистон ССР Геология, СССР Нефть ва газ саноати министрликларида, бир қанча илмий-текшириш институтлари ва олий ўқув юртларида ишламоқдалар.

Институт ўз зиммасига олган социалистик мажбуриятларини ҳамиша шараф билан бажариб келмоқда. Тўққизинчи беш йилликда илмий муассасамизда ишлаб чиқилган таклифларнинг 68 проценти амалиётга жорий қилинди. Натижада 46 миллион сўмлик иқтисодий фойда олинди. Коллективимиз ўз имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, жонажон партиямиз XXV съезднинг тарихий қарорларини амалга ошириш учун «Битта ҳам илмий иш натижалари ишлаб чиқаришга жорий қилинмасдан ва фойдаланилмасдан қолмасин» деган шиор остида зўр ғайрат-шижоат билан меҳнат қилмоқда. Бу йил илмий таклифлар жорий қилинишини 70 процентга, фойдаланилишини эса 30 процентга етказишга қарор қилинган. Ана шу ташаббус бир неча миллион сўм пулни тежаб қолишга имкон беради.

Келажакда олдимизда катта вазифалар турибди. Энг аввало республикамизнинг бутун территориясидаги нефть ва газ запасларини хажм-генетик усули билан аниқлаб чиқишимиз керак.

Республикамиз Асосий Қонунининг лойиҳасида илм-фанни янада ривожлантириш ўз ифодасини топганлиги бизни айниқса қувонтиради. Хозирги кун талаблари фан билан ишлаб чиқариш ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш ва кучайтиришни тақозо этаётганлигини ҳисобга олиб, Конституция лойиҳасининг 26-моддаси **«Давлат... фан ютуқлари ишлаб чиқаришга жорий этилишини таъминлайди, илмий-техника тараққиётини тезлаштириш мақсадида фан билан ишлаб чиқаришнинг алоқасини мустаҳкамлайди»** деб тўлдирилса айни муддао бўлар эди.

Институтимиз коллективи Ўзбекистон ССРнинг янги Конституцияси лойиҳасини тўла-тўкис қўллаб-қувватлайди, бахт қомусида қўйилган вазифаларни, ўнинчи беш йилликда ўз зиммасига олган социалистик мажбуриятларини шараф билан бажаради ва халқимиз фаровонлиги йўлида қилинаётган улуғ ишларга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшаверади.

О. АКРАМХЎЖАЕВ,
Ўзбекистон ССР Геология министрлиги нефть ва газ конларининг геологияси ҳамда разведкаси институти директори, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги.

Ж. ИУЛДОШЕВ,
институтнинг катта илмий ходими, геология-минералогия фанлари кандидати.

ДЕПУТАТНИНГ БУРЧИ

Депутат — давлат ҳокимияти органларидаги халқнинг вакилидир. Ўзбекистон ССР янги Конституцияси лойиҳасида депутатнинг вазифалари ва ҳуқуқлари конкрет кўрсатиб берилган. Республикамиз Асосий Қонунининг ўн биринчи боби ана шу масалага бағишланган.

Депутатлар фаолияти кўп қирралидир. Улар Советларнинг ишида бевосита қатнашиб, давлат, хўжалик ва социал-маданий қурилиш масалаларини ҳал этадилар, сайловчиларнинг наказларини амалга оширадилар. Депутатларнинг бурчи, даҳлсизлиги ва ҳуқуқлари депутатлар статуси тўғрисидаги Қонунда ҳам акс эттирилган.

Халқ депутатлари сайловчиларнинг ишончини муносиб равишда оқлаб, ўз бурчларига садоқат намуналарини кўрсатишяпти. СССР Олий Совети депутати, Урганчдаги В. И. Ленин номли тикув фабрикаси ишчиси Султонпошша Ҳожиева сайлов округи аҳолиси билан тез-тез учрашиб, улар олдида ҳисоб бериб туради. Аҳолининг эҳтиёжлари ва ҳаққоний талабларини қондиришда жонкуярлик кўрсатади. Шаҳардаги мактабгача тарбия муассасалари ишини яхшилашда унинг хизматлари каттадир. Область Совети депутати, уйсозлик комбинати ишчиси А. Чупахина шаҳар аҳолисини сабзавот ва полиз маҳсулотлари билан таъминлаш масаласи юзасидан сессияда сўров билан мурожаат қилди. Область қишлоқ хўжалик бошқармаси бошлиғи Х. Бегимов, савдо бошқармаси бошлиғи С. Мадаминов, маҳаллот жамияти правлениеси раиси А. Ёқубов сессияда депутат сўровига жавоб беришди. Аҳолини сабзавот билан таъминлашни яхшилаш тадбирлари амалга оширилди. Область Совети депутати, Урганч пилла қуруғчилиги заводи ходими М. Султонованинг сайловчилар наказларини бажариш соҳасидаги фаолияти ибратлидир.

Бунга ўхшаш мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Меҳнатда, жамоат ишларида ўрнак бўлаётган, халқ хизматига енг шимарган ташаббускор депутатлар сайловчиларнинг иззат-ҳурматига сазовор бўлмоқдалар.

Эътироф қилиш керакки, айрим корхона, муассаса ва ташкилотларнинг раҳбарлари депутатларнинг таклифларини кўриб чиқиш ва ҳал этишга бефарқ қарайдилар, сайловчиларнинг наказларини амалга оширишда изчиллик, оперативлик етишмайди. Гарчи бундай фактлар кам учраса ҳам, унга батамом чек қўйиш лозим. Шу муносабат билан мен 99-модданинг охирига: **«Халқ депутатларининг талабларига бефарқ ва масъулиятсиз қараган, бу соҳада бюрократизм ва сансалорликка йўл қўйган мансабдор ходимлар қонун олдида жавоб берадилар»** деган жумла қўшилишини истардим.

Депутатларнинг авангардлик, ташаббускорлик ролини ва масъулиятини ошириш мақсадида 101-модданинг олдига битта қўшимча абзац киритилишини таклиф қиламан: **«Депутат меҳнатда, ижтимоий ва шахсий ҳаётда намуна кўрсатиши, омма билан алоқани тинмай мустаҳкамлаб бориши керак. Сайловчи ҳар қандай масала билан депутатга мурожаат қилишга ҳақли. Депутат сайловчиларнинг талабларига қонунда белгиланган муддатда жавоб бериши шарт».**

Биз ҳаётимизнинг Асосий Қонуни — Ўзбекистон ССР Конституцияси лойиҳасини тўла-тўкис маъқуллаймиз. Бахтимиз Қомусида ёрқин акс этган ғамхўрликка жавобан севикли Ватанимизни шонли меҳнат билан шарафлаймиз.

Эгам ИСКАНДАРОВ,
Урганч темир йўли касалхонасининг бош врачи.

СУНЪИЙ КЎЛ БУНЁДКОРЛАРИ

Янгиқўрғон районининг шимолий қисмида яна бир сунъий кўл бунёд этилмоқда. Бу Заркент сув омборидир. «Наманганводстрой» трестининг хўжалик ишлаб чиқариш участкаси ҳамда 22-автобазанинг ишчи ва шофёрлари томонидан бунёд этилаётган янги сув омборининг дастлабки навбати 1981 йилда ишга туширилади.

40 миллион кубометр сув тўпланадиган бу улкан иншоот фойдаланишга топширилгач, райондаги «Заркент», «Ленинизм», «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» совхозларида сув танқислигига барҳам берилади ва 20 минг гектарли майдон об-ҳаёт билан тўла таъминланади. Янги посёлка, дам олиш зоналарининг вужудга келиши учун барча қулайликлар яратилади.

Сунъий кўлни тез ҳамда соз қуришда ака-ука Иброҳимжон ва Аҳмаджон Худойбердиевлар, А. Тўланов, Э. Ҳасанов, А. Шамсиддинов, А. Сатимов, М. Бойқўзиев сингари бульдозерчи, экскаваторчи, шофёр ва бинокорлар алоҳида шижоат кўрсатиб меҳнат қилмоқдалар.

Қ. МАЛИКОВ,
Наманган области.

ЯНГИ ГАЗЕТАЛАР

ЯНГИОВУЛ («Совет Ўзбекистони» мухбири). Комсомол район партия комитети ва халқ депутатлари район Советининг органи — «Коммунизм сари» газетасининг биринчи сони босмадан чиқди. Янги газета саҳифаларидан Комсомол райони партия комитетининг биринчи секретари Х. Омонликовнинг «Истиқболли режалар» сарлавҳали мақоласи, шунингдек район меҳнаткашларининг шу кеча-кундуздаги қайноқ меҳнат фаолиятларини акс эттирувчи ранг-баранг мақолалар, хабарлар, корреспонденциялар, илғорларнинг фотосуратлари ва бошқа қизиқарли материаллар ўрин олган. Газета район меҳнаткашларини коммунистик руҳда тарбиялаш, улар олдида турган юксак вазифаларни шараф билан бажаришга даъват этишни ўз олдига мақсад қилиб қўяди.

ҚАРШИ («Совет Ўзбекистони» мухбири). Ўтган йили Қарши даштида ташкил топган Усмон Юсупов районида янги район газетаси чиқа бошлади. «Шонли йўл»нинг биринчи сонида район ишлаб чиқаришининг ривожланиш истиқболлари ҳақида ҳикоя қилувчи қатор мақолалар, ахборотлар, ранг-баранг суратлар, факт ва рақамлар берилган. Бу билан областда район газеталари сони 12 тага етди.

МУХБИРЛАР СЛЁТИ

ФАРҒОНА. («Совет Ўзбекистони» мухбири). Бу ерда ишчи ва қишлоқ мухбирларининг область слёти бўлиб ўтди. Унда партия ходимлари, район ва шаҳар газеталарининг редакторлари, бўлим мудирлари, радио журналистлар, жамоатчи мухбирлар иштирок этдилар. Область партия комитетининг секретари ўртоқ Р. Қосимованинг КПСС XXV съезди материаллари ҳамда КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг социалистик мусобақани янада авж олдириш ҳақидаги Мактуби муносабати билан ишчи ва қишлоқ мухбирлари олдида турган жавобгар вазифалар ҳақидаги доклади тингланди. Слёт қатнашчилари область ишчи-қишлоқ мухбирларига мурожаат қабул қилдилар.

О. ҲАКИМОВ.

САДРИДДИН АЙНИЙ ТАВАЛЛУДИНИНГ 100 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

ҲАЁТБАХШ ҲАМКОРЛИК

Тожик адабиётида С. Айнийнинг дастлабки ижтимоий ва адабий фаолияти асосан 1905 йилги рус революциясидан кейинги Туркистонда рўй бера бошлаган муҳим ижтимоий-сиёсий воқеалар, янги адабий-маданий ўзгаришлар таъсири остида шакллана бошлади.

Бу даврда бутун Туркистонда бўлгани каби унинг диний хурофот, золимлик кучли бўлган чекка ўлка, кўҳна Бухорога ҳам Россия, Закавказье, яқин хорижий Шарқнинг бирканча мамлакатларидан янги прогрессив адабиёт ва матбуот кенг тарқала бошлади. Бу ердаги Ф. Хўжаев, С. Айний каби илғор зиёлилар жаҳон илғор адабиёти ва маърифатининг янги намуналари билан танишиб, жаҳолат ва хурофотга, эски диний мадраса таълимига қарши чиқиб, янги мактаб, маориф, адабиёт ва матбуот учун кураша бошладилар. Шеърлар, мақолалар, ўқув китоблари ёза бошладилар.

Айниқса С. Айнийнинг маърифатпарварлик кураши, педагогик ва адабий фаолиятида рус классик адабиётининг А. С. Пушкин, К. Д. Ушинский, татар ва озарбайжон шоир ҳамда педагоглари Қ. Носирий, А. Тўқай, А. Собир ва бошқаларнинг асарлари, «Мулло Насриддин» журнали ва «Вақт» газеталарининг роли катта бўлди.

Совет тузуми шароитида С. Айнийнинг қардош халқлар адабиёти ва санъати билан алоқаси айниқса кенгайди. Хусусан ўзбек адабиёти ва матбуоти, олимлари ва ёзувчилари билан алоқаси эътиборга лойиқ. Адиб Самарқанд ва Тошкентда чиқиб турган тожикча, ўзбекча газета ва журналларда тарихий, адабий, илмий асарлари билан бирга «Биринчи май маршы», «Озодлик қўшиғи», «Октябрь инқилоби» каби революцион шеърлари, «Бухоро жаллодларинг ўзаро мусохабалари», «Кулбобо ёки икки озод» каби прозаик асарлари билан ҳам актив қатнаша бошлади. У ўз шеърларида ўзбек революцион шоири Ҳамза каби янги тузумни, революцияни қаттиқ ҳимоя қилиб, халқлар дўстлиги ва ҳамкорлиги ғояларини баралла куйлади. Ҳамза революцион шеърларининг тожик тилида нашр этилиши ва оммалашишида катта роль ўйнади.

С. Айний Шарқ хотин-қизларини қуллик, паранжи-чачвон балосидан қутқариш учун кетаётган кескин кураш кампаниясида, машҳур «Ҳужума йилларида Ҳамза билан бир сафда туриб актив иш олиб борди. У мазлум Шарқ аёлларининг фожиали ҳаётидан ҳикоя қилувчи Ғарб ёзувчиси Фердинанд Дюшаннинг «Қамар», М. Булленинг «Инқилобий қурашларда хотин-қизлар» асарларини тожик тилига таржима қилди. Тошкентга келиб бу ердаги рус, ўзбек, татар, уйғур тилидаги адабиёт, матбуот, театр ва мактаб ишлари билан танишди. Бу ердаги турли миллат болаларининг ўз она тилларидаги ўқиш тажрибаларини кўриб чексиз қувонди ва илғор тажрибаларни ўрганди. Бу ҳақда кейинчалик махсус мақолалар, саёҳат очерклари ҳам ёзди («Тошкент хотиралари», 1919).

Адиб А. Авлоний, А. Қодирий, Ғ. Олим, М. Шевердин, А. Саъдий, З. Бошир, Х. Тоқтош, Ш. Сулаймон, Н. Тўрақулов, А. Икромов каби ўзбек, татар ёзувчи ва зиёлилари билан яқин алоқада бўлиб, улар билан маслаҳат ва ёзишмалар қилиб турди. Улар ҳам ўз навбатида С. Айний асарларининг илмий-тарбиявий, тарихий аҳамияти, янги инқилобий тожик адабиётида тутган ўрнига, нашри ва пропагандасига аҳамият бера бошладилар. Унинг «Бухоро тарихи учун материаллар» асари биринчи бор Н. Тўрақулов сўз боши билан 1926 йил Москвада нашр этилди. «Дохунда» романи профессор Миёнбузрук Солиҳов томонидан ўзбекчалаштирилиб Жулқунбой тахрири остида босилиб чиқди (1929). «Одина» повести Файзулла Хўжаев сўз боши билан Москвада рус тилида чоп этилди (1930). Тошкентлик рус ёзувчиси М. Шевердин унинг «Одина» повестига муносиб баҳо бериб (1928 йили), жанр жиҳатдан янги тожик адабиётида эски ва янги адабий традицияларнинг илк синтези, тожик меҳнаткашларининг ўтмишдаги оғир ҳаётини тасвирловчи дастлабки миллий проза намунаси сифатида баҳолаб, унинг ғоявий-тарбиявий ва интернационал моҳиятини кўрсатиб ўтди.

Ёзувчининг эътироф этишича, унинг «Қуллар» романини оддий ҳикоядан катта эпик полотногача такомилида ҳам Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ А. Икромовнинг бевосита маслаҳат ва ёрдами катта роль ўйнаган. Айний ижодига илк бор айниқса рус шарқшунос олимлари, ёзувчилари катта эътибор бердилар. Урта Осиё халқлари адабиёти, тарихи, маданиятининг чуқур билимдони А. Н. Самойлович адиб ижодига инқилобдан бурунроқ қизиқа бошлаб, ўша даврдаёқ Тошкентда чиқиб турган «Туркестанские ведомости» газетасида унинг хурофот ва жаҳолатга қарши ёзилган шеърларини рус тилига таржима қилиб изоҳлар ёзган эди. Революциядан кейин эса у Ленинградда чиқиб турган «Шарқ» журналида «Жаҳон адабиёти» рубрикаси остида Бухоро инқилоби тарихини, адабиётини текшириб С. Айнийнинг шу номдаги асарига тўхталди. У Бухоро революциясини амалга оширишда Ф. Хўжаев, С. Айний хизматларига катта баҳо берди.

Шундан кейинги ўтган даврда С. Айнийнинг қардош халқлар адабиёти ва матбуоти ходимлари, шоир ва таржимонлари, ёзувчилари билан ўзаро ёзишмалари, алоқалари йил сайин тобора кенгайиб, ривожланиб, борди. Бу йилларда у социалистик реализм адабиётининг асосчиси А. М. Горький, машҳур рус шарқшунос олим ва ёзувчиларидан А. Н. Самойлович, Е. Э. Бертельс, И. С. Брагинский, С. П. Бородин, М. Шевердин, С. Липкин, тожик революцион шоири А. Лоҳутий, озарбайжон олими Ҳамид Орасли, қозоқ ёзувчиларидан М. Авезов, С. Муқонов, туркман адиби Б. Кербобоев, ўзбек шоир ва ёзувчилари Ҳамза, А. Қодирий, А. Авлоний, Ғ. Ғулом, Ҳамид Олимжон, профессорлардан В. Зоҳидов, И. Султонов ва бошқалар билан доимий мулоқатда бўлиб, ҳамкорлик қилиб турган. Жумладан, Е. Э. Бертельснинг ёзишича, XX аср бошидаги тожик адабиётига ва ҳатто унинг Улуғ Октябрь революциясидан кейинги шаклланишига маълум даражада таъсир этиб турган Ахмад Донишнинг адабий меросини ўрганишда унга биринчи бор С. Айний яқиндан ёрдам берган. У ўзбек адиби А. Қодирийнинг «Меҳробдан чаён» романининг тожик тилидаги таржимасини таҳрир қилган.

Умуман айтганда, тожик совет адабиётининг асосчиси С. Айний ижоди ва ижтимоий фаолияти Урта Осиё, жумладан, ўзбек адабиётида қанчалик роль ўйнаган бўлса, унинг ижтимоий ва адабий фаолиятининг кенг қулоч ёйиши ва равнақида рус, ўзбек, татар ва бошқа халқлар адабиёти ва матбуоти, олимлари ва ёзувчилари билан бўлган алоқа ва ҳамкорликлар ҳам шунчалик муҳим роль ўйнади.

Ш. ТУРДИЕВ,
филология фанлари кандидати.

МДУ БАЙРОҒИДА —ВЬЕТНАМ ОРДЕНИ

5 апрель куни М. В. Ломоносов номли Москва Давлат университетига Вьетнам Социалистик Республика синнинг «Дўстлик» ордени топширилди. МДУ қардош мамлакат учун илмий ва техникавий кадрлар тайёрлашдаги катта хизматлари учун, олий таълимни ривожлантиришдаги ёрдами учун шу мукофотга сазовор бўлди.

МДУда бўлиб ўтган йиғилишда ВСРнинг СССРдаги элчиси Нгуен Хиу Кхиеу сўзга чиқиб, совет олий мактаблари ва техникумларини 12 мингдан ошиқ вьетнамлик битирганлигини алоҳида таъкидлади. У ВСР халқ хўжалигига юқори малакали кадрлар тайёрлашда бераётган бегараз ёрдам учун Вьетнам халқи номидан Совет Иттифоқига чуқур миннатдорчилик изҳор қилди.

МДУ ректори академик А. А. Логунов жавоб сўзида берилган юксак баҳо учун ВСР ҳукуматига самимий миннатдорчилик билдирди.

(ТАСС).

МИЛЛИОНЛАРНИНГ ИЖОДИЙ ҲИССАСИ

Ихтирочи ва рационализаторлар ижодининг ишлаб чиқариш-техника даражасини ва маҳсулот сифатини оширишда, меҳнат унумдорлигини ўстириш ҳамда меҳнат шароитларини яхшилашда катта аҳамияти бор. 5 апрель куни Бутуниттифоқ ихтирочилар ва рационализаторлар жамиятининг V съездида докладларни муҳокама қилиш давом эттирилди.

Делегатлар таъкидладилар-ки, КПСС Марказий Комитетининг Бутуниттифоқ ихтирочилар ва рационализаторлар жамиятининг V съездига табриги партия ихтирочи ва рационализаторларнинг фаолиятига доимо эътибор билан қараётганлигининг яққол далилидир. Нотиқлар жамият аъзолари КПСС XXV съезди қарорларини амалга оширишга, КПСС Марказий Комитетининг Бош Секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежнев нутқларида қўйилган вазифаларни амалга оширишга салмоқли ҳисса қўшаётганликлари тўғрисида гапирдилар.

ВЦСПС Раиси А. И. Шибаев ўз нутқида ишлаб чиқаришни техникавий жиҳатдан такомиллаштиришда, коллективларнинг мукобил планларни тузиш ва амалга оширишда рационализаторлар ва ихтирочиларнинг иштироки масалаларига тўхталиб ўтди. У айтдики, касаба союзлари ҳамда Бутуниттифоқ ихтирочилар ва рационализаторлар жамиятининг кенгашлари ўз эътиборини меҳнат унумдорлигини оширишни жадаллаштиришга, моддий ва ёқилғи-энергетика ресурсларини тежашга қаратишлари лозим.

Мари политехника институти ҳузуридаги оптимал лойиҳалаш математик методлари лабораториясининг раҳбари А. И. Половинкин, Горький автомобиль заводи слесарларининг бригадири, РСФСРда хизмат кўрсатган рационализатор Е. А. Багаев, Краснодар ўлкасидаги «Солнечний» совхозининг бригадири В. А. Марченко сўзга чиқдилар.

1977 йилдаги ихтирочилик ва рационализаторлик ишида энг яхши кўрсаткичларга эришганлиги учун Бутуниттифоқ социалистик мусобақаси ғолибларига кўчма Қизил байроқ ва мукофотлар топширилиши новаторлар фаолиятига берилган юксак баҳонинг далилидир.

СССР Министрлар Советининг Ихтиро ва кашфиёт ишлари давлат комитети билан Бутуниттифоқ ихтирочилар ва рационализаторлар жамияти марказий кенгашининг президиуми шу мусобақа якунларини чиқардилар. Москва шаҳрига, Ленинград, Куйбишев, Ярославль ва Шарқий Қозоғистон областларига, Украина ССР ва Эстония ССРга кўчма Қизил байроқлар ҳамда биринчи мукофотлар берилди.

Музоқараларда СССР Рангли металлургия министри П. Ф. Ломако, Бутуниттифоқ ихтирочилар ва рационализаторлар жамияти Москва область кенгашининг Раиси Ю. А. Стригачев, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Гомель ўлчов асбоблари заводининг йиғувчи слесари П. Т. Демченко ва бошқалар ҳам сўзга чиқдилар.

Қардош социалистик мамлакатлардан келган меҳмонлар съезд иштирокчиларини табрикладилар.

6 апрелда Бутуниттифоқ ихтирочилар ва рационализаторлар жамиятининг V съезди ўз ишин тугатди.

(ТАСС).

СЎНМАС У КУНЛАР ШУҲРАТИ

ОЛТИН БЕШИК

ОЧЕРК

1. ЛЕНИНГРАДДАН МАКТУБЛАР

Яқинда Ўзбекистонимизга, Ёзувчилар союзига мактуб келди. У Ленинграддан эди. Ленинград блокадасида қатнашган ўнлаб бошқа миллат жангчилари сафида ўзбек фарзандларининг ҳам баҳодирлиги алоҳида ҳурмат билан тилга олинган эди.

«ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР СОЮЗИГА ЛЕНИНГРАДДАН

Бизлар Улуғ Ватан урушн қаҳрамонлари изидан бориб, жуда кўп қимматли ёдгорликлар, ҳужжатларни тўпладик. Мана, улар орасида бир даста шеърлар ҳам бор.

Шеърларнинг баъзиларини бизга Ленинград блокадасининг қатнашчиси В. С. Смирнов берди. Шеърлар Қизил байроқ орденли 124-ўқча дивизиянинг снайпери, тошкентлик Қобилжон Ғофурович Зокировнинг қаҳрамонлик ишларига бағишланган. Уларнинг орасида Қобилжон Зокиров ҳақида тўқилган қўшиқлар ҳам бор. Бизлар шеър ва қўшиқларнинг авторини ҳам излаб топдик. У—Улуғ Ватан урушн қатнашчиси, санитарка шоира Анна Александровна Юнчис эди. Сиздан илтимос қиламиз, Зокиров ҳақидаги шеър ва қўшиқларни таржима қилиб, ўзбек китобхонларига ҳам маълум қилсангиз. Бизга эса, снайпернинг ҳозирги ҳаётидан батафсилроқ ёзиб юборсангиз. Ҳурмат билан Қизил иқиндирувчилар»...

Бу мактуб икки халқ, ягона интернационал оиланинг икки фарзанди ўртасидаги самимий, ардоқли, меҳрли, муҳаббатли муносабатлардан сўзлагандек бўлди бизга. Улуғ Ватан урушн қизғин бораётган кунлар... Ленинграднинг қамал чоғлари. Қаҳрамон халқ, қаҳрамон ленинградликларга ўзбек элидан совға-салом олиб борганлар орасида марҳум андижонлик шоир Амин Умарий ҳам бор эди. Мен Амин Умарийни қаёлан бизнинг ҳамшаҳар баҳодир снайперимиз, Ленинградни ҳимоя қилишда жонбозлик кўрсатган Қобилжон Зокиров ҳақида ўлмас қўшиқлар ёзган, бу қўшиқлар, шеърлар текстини окопма-окоп жангчиларга ўқиб эшиттирган санитарка шоира Анна Юнчислар билан мулоқатда, ҳамкорлик ва ҳамдардликда ҳис қилдим.

Хўш, қаёти, қаҳрамонликлари шеъриятга айланган ҳамшаҳримиз Қобилжон Зокиров ким эди. Ленинград шоирасининг юрагига ўт солган, унинг талайгина шеърларига қаҳрамон бўлган йигитни биз ҳам кўргимиз, билгимиз келди. Шубҳасиз, уни изламай иложимиз қолмади.

Анна Юнчис қаламига мансуб бўлган шеърларни кўздан кечирдик. «Қизил Байроқ орденли 124-ўқчи дивизиянинг снайпери Қобилжон Зокировга», «Снайпер Зокиров ҳақида қўшиқ», «Арчалар, сўзланг менга Зокирдан»... Бу шеърларнинг тексти ёнига Ленинграллик шоира, жангчи-санитарка А. А. Юнчиснинг дастхати ҳам ёзилган, имзоси ўз қўли билан чекилган. Бу дастхатлар, бу шеърлар, қўшиқлар қўролдош дўстлар, жанг фарзандларининг энг қийин дамларидаги муҳаббатномаларига ҳам ўхшаб кетар эди.

Қандай мунис она экан волиданг,
Мардлигингга мафтунлигим бор менинг.
Ботир, Сенинг саховатинг олдида
Қўшиқларим бўткул жарангдор менинг!
Раҳмат Сизга, минг бор — ўзбек онаси,
Оқ сут билан берибсиз ишқ, саховат.
Жанглар аро янграр қасос наъраси,
Жанглардадир, она, бизнинг саодат.
Жанглардадир ўғлингиз... Сиз интизор,
У мададдир пўлатдай зич сафларга.
Қўлларингиз ўпардим, онанзор
Бориб қолсам агар Сиз тарафларга.

Имкони билан биз жанговарлик шеърларини тўплалигича таржима қилиб ўзбек ўқувчиларига етказармиз. Чунки бу — ленинградлик дўстларимизнинг илтимоси. Ҳозир эса, шу шеър ва қўшиқларнинг қаҳрамони Қобилжон Зокировнинг қаёти билан қизиқмоқчимиз. Энг қувончлиси шуки, ленинградлик санитарка-шоира Анна Александровна Юнчис билан снайпер-деҳқон Қобилжон Зокиров ўртасидаги ёзишмалар ҳозир ҳам давом этади. Демак, бу дўстлик жанглар бўронида тобланган қадрдонлик энди саодатли оилалар ўртасидаги қон-қариндошликка айланган.

Биз Қобилжон Зокиров ҳақида сўз юритишдан олдин унинг дўстлари, бирга жанг қилган қўролдошларининг унга муносабати билан қизиқдик. Зеро, бу муносабатлар ўзбек снайперининг жанглардаги мавқеи қозонган обрў-эътиборига бир мезондир. Мана, Ленинграднинг Фонтанка кўчасида яшовчи, Улуғ Ватан уруши қатнашчиси Лидия Демидова Михайловнанинг мактубларини ўқиб ўтирибмиз.

— «Қадрли Қобилжон, улуғ айём қилари олдидан Сизни, халқингизни яна бир бор эслагим келди. Мен телевизор экрани орқали бериладиган эшиттиришлар орасида Ўзбекистон ҳақидаги, унинг саноати, пахта хирмонлари, энг муҳими қалби қуёшли одамлари ҳақидаги эшиттиришларни алоҳида меҳр-муҳаббат билан тинглайман. Негаки, Ўзбекистонда менинг, оиламнинг, шаҳримнинг нажоткори яшайди — Сиз яшайсиз. Мен Нева бўйларида ўглим билан сайр қилган чоғларимда Сизлар жанг олиб борган кўчалар, окоплар ҳақида ҳикоя қиламан. Яна шуни фахр билан ҳикоя қиламанки, Сиз — Ўзбекистон ўглони менинг маҳалламни, остонамни, аллеяларимни душман ўқидан ҳимоя қилишда қатнашдингиз. Таъзим Сизга. Қобилжон...».

Лидия Демидова халқимизга бўлган меҳри туфайли бошимизга кулфат тушган 1966 — зилзила йилида шаҳримизга етиб келди. Қобилжонни топди, ҳамдардлик билдирди. У болалар врачи бўлгани учун бир неча йил Ўзбекистонда хизмат қилган ва «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган врач» унвонини олишга ҳам сазовор бўлган эди. — «Ҳар байрам тонгида, — деб ёзади аёл, — Ўзбекистоннинг менга берган олий значогини байрам костюмимга қадайман. Сизни эслайман, Қобилжон. Ҳурмат ва эҳтиром билан эслайман...».

Мана, иккинчи аёлнинг оналик оламидан яралган меҳр муждалари: — «Ўглим Қобилжон. эсон-омонмисан. Сени ўглим ўрнида биламан. Ўзингга маълум, мен Ленинград қамали вақтида беморликка учраганман. Бутун оилам эса шу қамалнинг қурбони бўлган. Биргина уруш да мен 7 жигар-порамдан ажралганман. эримни ерга кўмганман. Ҳозир ягонаман! Сенга салом билан Галина Дмитриевна Тёмная...». (Гражданлар уруши ва Улуғ Ватан урушининг қатнашчиси).

«Ҳурматли Зокиров мен Сизга Комаровкадан хат ёзяпман. Ёдингизда бўлса, бу қишлоқ бутунлай ёниб кетган эди. Сиз жанг қилиб ўтган бу қишлоқ яна қайта тикланганини ва аввалгидек ўз тароватини, чиройини тиклаганини маълум қиламиз». эҳтиром билан М. Елисеева».

Хатлардан кўз узиб, кўнгил ўзиб бўлмасди. Бу хатлар инсон қалбининг энг ноёб, азиз ҳисларига, орзуларига, ўтмиш армонларидай сўзлар эди бизга. Бу хатлар яна бир эзгу, муқаддас нарсани англатарди бизга. Қонқардошлик туйғулари, ҳамроз юракларни ардоқлагувчи биродарлик туйғулари бу — олтин бешикдир. Бир-бирларини йиллар оша излаб, сўроқлаб ардоқлаётган, азиз ва мукаррам этиб мактубларга кўнглини таржима қилаётган одамлар эса шу олтин бешикнинг фарзандлари. Она-Ватан эса уларни аллалагувчи волида. Биз эса ана шу олтин бешик, камолини она аллаларини, фарзандларнинг тотув ҳаётини қаламга олиш учун ороми, орзуси, қалами ҳамиша йўлларда бўлган журналист. Энди ижозатингиз билан иккинчи ҳикоямга ўтсам. Бу — снайпер Қобилжон Зокиров ҳақидаги ҳикоядир.

2. СУРОНЛИ ЙИЛЛАР БАЛЛАДАСИ

— Менинг икки она юртим, тупроғим бор, деб ҳикоя қилади уруш йилларида жангчи-снайпер Қобил Зокиров. Менинг кindик қоним Тошкентда. Қуёш юрти — Ўзбекистон менинг ўлан бешигим. Лекин мен йигитлик умримнинг кучга, муҳаббатга, орзуга тўлган йилларини Ленинград қамали йилларида қаҳрамон шаҳарни сақлаб қолишга бағишладим. Қамалнн ёриб чиқувчиларнинг олдинги сафида снайпер эдим. Урушдан сўнг, ҳозир Куйбишев номли колхозда меҳнат қиламан.

У кўнгиллилар қаторида жангга кетди. 1942 йилда Сталинград остоналарида бўлган жангларда яраланди. Оғир контузия эди бу. Госпиталда ётган кунларида у Ленинград қамали ҳақидаги машъум хабарни эшитди. Ленинградни у биринчи бор кўрди, лекин қамал ҳолида кўрди. Йигитлик шунақа. Ватан бошига иш тушганида йигит деган хотиржам ўз уйида ўтиролмайди. Мана, у яradор бўлишга ҳам улгурди... 102 махсус бригада тузилди. Бу бригада кейинчалик 124-МГа—Ҳангин Суворов орденли дивизияга айланди. Бу дивизияга муҳлаган Нева дарёсидан ўтиб, Марино, Кировск посёлкаларини эгаллаш топширилган эди. Бугина эмас, Қизил армия составлари билан қўшилиб, кучланиб 900 кун қамалда қолган Ленинградни озод қилиш, Октябрь темир йўлини очиш топширилган эди. Эҳа, тиш-тирноғигача қуролланган, жонини тикиб бўлса ҳамки, иқилоб бешиги бўлган Ленинградни эгаллашни мақсад қилиб олган душман билан ҳар қарич ер, ҳар бир кафт тупроқ учун олиб борилган жанглар эди бу! Ўқ ёмғирларига чап бериш, ясама қил қўприклардан амаллаб ўтиш, миналарнинг портлашидан омон қолиш, омон қолишгина эмас, душманга тўхтовсиз ўт очиб, қўшинимизга йўлни тозалаб бориш эди бу!

— Кировск ва Марино посёлкаларидан ўтдик, тозалаб ўтдик... лекин душман бизни янги ҳужумлар билан кутиб олди... Бу нуқталарни изоҳлашга тил бормайди, зиҳҳор, К. Зокиров командирлик қилган бўлинмада фақат 5 киши қолган эди. Эссиз, эста мерган, ўқчи йигитлар эди улар. Олдинги сафда бориш, дўстларингга йўл очиш осон эмас, албатта. Ахир бу — кўксингни нишонга тутиш деган сўзнинг ўзгинаси, Қобилжон йўқотган ўртоқлари хотираси учун кўз ёши қилди. Бу унинг йигитлик умридаги биринчи аламли кўз ёши бўлса ажаб эмас. У ўзининг 20 ёшини жанг суронлари ичида, қурбон бўлган жанговар ўртоқлари бошида ана шундай изтироб билан кутиб олди. Йўқ, бу дақиқалар унутиш мумкин бўлган дақиқалар эмас. Бу — 1943 йилнинг изгиринли январь кунлари эди. Изгиринли кунлар, йигит ҳаётида ҳам бир умр изгиринли хотиралар бўлиб қолди...

Ўшанда дивизия газетасида Гвардияча младший лейтенант Н. Поповнинг мақолаи босилиб чиқди. Унда қуйидаги сўзлар бор эди: «12 кунда 52 душман йўқ қилинди». Бу шунчаки гап эмас, шунчаки отилган ўқлар эмас. Бular — Ленинградда очлиқдан ўлаётган болалар оналар учун олинган қасослар. Бular — нафрат, газаб ўқлари! 52 фашистни ер тишлатган 3 баҳодирнинг бири — Зокиров эди. Партия сафига ҳам шу фронт жангномаларини битиб юрган кезлари қабул қилинди.

Ленинград фронтида ҳал қилувчи дамлар бошланди. Энди қамалдан ўтиш ташвиши эмас, душманни қувиш орзуси билан яшар эди жангчилар. Қобилжон ва унинг дўстлари жанг қилаётган қисмлар Ленинград қамалидан чиққани ҳақидаги хушхабар радио карнайларидан жаранглаб эшитилиб турар эди. Бу жанглар бу оғир йўлларда ҳукуматимиз бизнинг тошкентлик снайперни «Жасўрлиги учун» медали ва «Ватан уруши» ордени билан мукофотлади. Мана қамалдан чиқиш арафасидаги манзараларнинг бири.

— Ўртоқ лейтенант, тунда ҳув анави танк ичига кириб, пистирма қуришга рухсат этинг! — деди Қобилжон командирга мурожаат қилиб. Бетараф зонада бир танк мажақланган ҳолда душман окопларига жуда яқин жойда турарди. Командирнинг боши қотди, юраги дов бермади:

— Бу хавфли, — деди. — жуда хафли! Қобилжон Зокиров қарорида қатъий эди. Охири ижозат олди. У эмаклаб бориб танк ичига жойлашиб ҳам олди, рация орқали тўпчиларни нишон нуқталаридан хабардор қилиб турди. Душманнинг энг пухта яширинган пулемёт нуқтаси ҳам ишдан чиқди... Улар жон алпозда таваккалига ҳаммаёқни ўққа тута бошладилар. Эҳ, аттанг, ўзбек снайпери яширинган танк ловуллаб ёна бошлади. Дўстлари уни беҳуш ҳолда замбилда судраб келтирдилар...

У қатор аҳоли пунктларини, шаҳарларни озод қилишдаги жиддатли жангларда қатнашди.

— Биз 10 февраль куни (1944 йил) Комаровка қишлоғига ҳорғин кириб келдик. Фашистлардан дарак йўқ. Уйларда одам йўқ, печкалар ёқилган. Сутлар қайнаб-тошиб ётибди. Товалардаги нонлар пишиб, қуйиб, корайиб кетган. Наҳотки, душманларимиз аҳолини ҳайдаб кетган? Дарҳол 4 киши разведка учун жўнади. Зум ўтмай ўрмон томондан аёл кишининг эмаклаб келаётганини кўрдик. Бечора аёл, ўз қишлоғидан қувилган аёл. Қишлоқ аҳолиси ўрмонга яширинган экан. Уларнинг иссиқ уйларида роҳатда бўлган газандалар эса бундан ярим соат бурун жуфтакни ростлаб, қочиб қолган экан. Аҳолининг ҳар бирининг бўйнига тахтача осилган, номер қўйилган, фамилияси ёзилган. Фашистлар уларни очликда, муҳтожликда, таъқиб остида азоблар экан... Комаровка қишлоғида Қизил Байроқ ҳилпиради...

«Новгород» дивизиясининг 1268-с/полкида бўлим командири бўлиб хизмат қилдим. Финляндия, Эстонияда ва охири 1945 йилда Болтиқ денгизи бўйидаги Курландия операциясида урушнинг охирги кунигача қатнашдим... Бу йиллар, бу йўллар мени бир умр ёдимда қолади. Мен она ер кўксига ҳосил уруғини қадаганда у кунларни эслайман. Қуёш ёғдусида беғубор осмонга ниғоҳ қадаганимда қўк тўла тутупларни, аланга остида ёнган қишлоқларни эслайман, деб ҳикоя қилади Қобилжон ака.

Ҳар йили Ленинград кунлари бўлади. Биз қўролдошлар Ленинграднинг «оппоқ тунлари» бошланганда учрашамиз, Уларнинг кўпи кексайиб қолган. Кўплари...

— Ленинградлик шоира—санитарка, дивизиянгиз ва шахсан Сиз ҳақингизда кўпгина шеърлар, жанговар қўшиқлар ёзган Анна Александровна Юнчис ҳақида сўзласангиз. У ҳозир қаерда?

— Анна Юнчис қаёт. Жангчи ҳеч қачон истефога чиқмайди. У ҳамиша постда, меҳнат постида. Юнчис ҳам ҳозир ижодий меҳнат билан банд. У ҳозир «Правда» газетасида ишлайди.

Дивизиямизнинг сиёсий ишлар бўйича командир ўринбосари В. С. Смирнов ҳам шоир. У, дивизиямиз ҳақидаги поэмасини ёзиб тугатибди. Яқинда у менга ўша поэманинг бир қисмини ёдгорлик сифатида ўз дастхати билан юборибди. Кронштадтлик қуролдош дўстларим — Хлоповни, псковлик П. Трифановни шу сафар Ленинградга борганимда учратдим. Мен бир умрга Ленинградга боғланиб қолгандекман. Мен бир умрга бу диёрни унутолмайман.

Ҳа, шундай, Қобилжон ака ўзи босиб ўтган йўлларни ҳар куни хотирлайди. Негаки, у пропагандист сифатида, Улуғ Ватан урушининг ветерани сифатида Ўзбекистоннинг жуда кўп мактабларида интернатлар ва ҳарбий қисмларда лекция ва суҳбатлар ўтказиб келмоқда. Қобил аканинг икки ўгли ўз отасидан эстафетани қабул қилиб олди. Қодиржон Ленинградда ҳарбий хизматда. Нодиржон ҳам Ленинградда учувчи бўлиб хизмат қилмоқда. Қобил акага келган юзлаб мактублар орасида яна бир мактуб бизнинг диққатимизни тортди. Бу — Нодир Зокиров хизмат қилаётган жойдан йўлланган мактуб эди.

«Ҳурматли Қобил Ғофурович. Сиз — Ленинград солдатисиз. Ленинграднинг Галаба кўчасида қад кўтарган монумент (сапёрларга ўрнатилган) Сизни ёдимизга солиб туради. Ҳозирги бахтли ҳаёт, зафарлар учун Сизга ва қуролдошларингизга қуллуқ қиламиз. Сизнинг Ленинград учун қилган хизматларингиз беқиёс. Бу беқиёс хизматлар ёнига Сиз яна совғилги фарзандларингиз хизматини ҳам қўшдингиз. Ўғлингиз Нодир бизнинг ва Сизнинг фахрингиз. У аълочи учувчи. Ҳарбий хизматда. бу сўзнинг маъносини Сиз яхши тушунасиз. Уни биз ҳаммага ўрнак қилиб кўрсатамиз. Шундай ўғил ўстиргинингиз учун яна бир бор қуллуқ қиламиз. Бу бизнинг сўзимизгина эмас батальон командирлигининг, комсомол комитетининг ҳам сўзидир. Оилангизга бахт-саодат ёр бўлсин». Ленинград, Г. Г. Смирнов.

Ҳа, бу миннатдорлик сўзларида биз бутун меҳрини ёшлик, йигитлик йилларини Олтин бешик — қардошлик бешигини сақлаб қолиб, биродарлик кўприкларини тиклаган Қобилжон акага бўлган катта ҳурмат ифодасинв ҳис қилдик. Зеро, бу одам ана шу ҳурматларга лойиқдир.

Мана, у яна йўлга отланмоқда. Ленинградга. Бу сафар у қуролдош дўстларинигина эмас, Ленинградда хизмат қилаётган ўғилларини ҳам иссиқ бағрига босади. Оталик меҳрини изҳор этади уларга.

Эътибор ОХУНОВА.

САНЪАТ ОЛАМИДА

МУЗИКА БАЙРАМИ

Болгария драматургияси фестивали мамлакатимиз маданий ҳаётида ажойиб воқеа бўлди. Шунисн қувончлики, бу санъат ва дўстлик байрамига яна бир шодиёна уланиб кетмоқда. 9 апрелда Ўзбекистонда Болгария музикаси кунлари бошланади. Унда софиялик бир гурух таниқли композитор ва музикашунослар иштирок этишади. Меҳмонлар орасида Болгария Композиторлар союзи раисининг ўринбосари, республика халқ артисти, Димитров мукофоти лауреати Александр Райчев, Болгарияда хизмат кўрсатган маданият ходими, музикашунос Венелин Кристев, санъатшунос Любомир Сагаев, Болгария халқ артисти, композитор Филипп Кутев ва бошқалар бор.

Музика кунлари программасидан болгар композиторларн асарларидан тузилган концертлар ўрин олган. Асарларни Тошкентнинг чолғу коллективлари ижро этадилар. Дўстларимиз айни вақтда музика даргоҳларида бўлиб, уларнинг ишлари билан танишадилар, ҳамкасблари билан учрашадилар, маданий алоқалар, ижод ва маҳорат ҳақида суҳбат қурадилар. Улар қадимий ва ҳамиша навқирон Самарқанд. Бухоро шаҳарларига сафар қилишади.

Ш. МИРҲАБИБОВ.

ЧЕТ ЭЛЛАРДА

ЯНГИЛИКЛАР ХАБАРЛАР ВОҚЕАЛАР

Социалистик ҳамдўстлик мамлакатларида Чехословакиянинг Нови-Йичин шаҳридаги ихтисослаштирилган «Автопал» корхонаси маҳсулотлари яхши таниш. Бу ерда автомобиль фаралари, йўл кўрсаткичлари ва бошқа электр ёритиш асбоблари ишлаб чиқарилади. Суратда: социалистик меҳнат бригадаси аъзолари ўз раҳбарлари Людмила Новотная билан фаралар йиғмоқдалар.

ЧТК — ТАСС фотоси.

СОВЕТ ИТТИФОҚИЛИК МЕҲМОНЛАР ФИНЛЯНДИЯДА

ХЕЛЬСИНКИ, 5 апрель. (ТАСС). Дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисидаги Совет — Финляндия Шартномаси имзоланган кунининг 30 йиллиги муносабати билан Финляндияда меҳмон бўлиб турган КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико бошчилигидаги Совет ҳукумат делегацияси 1917 йилда В. И. Ленин яшаган уйга ўрнатилган ёдгорлик лавҳаси пойига қизил чинниғуллар қўйди.

Шу куни Совет ҳукумат делегацияси Финляндия президенти Ю. К. Паасикиви қабрига гулчамбар қўйди.

Бугун Финляндия республикасининг президенти У. К. Кекконен Совет ҳукумат делегацияси шарафига нонушта зиёфат берди. Зиёфатда делегация бошлиғи А. А. Громико, делегация аъзолари, Финляндия ҳукуматининг аъзолари, бошқа расмий кишилар ҳозир бўлдилар.

У. К. Кекконен билан А. А. Громико қадаҳ кўтариб, нутқ сўзладилар.

ДЕҲЛИДА УЧРАШУВ

ДЕҲЛИ. (ТАСС). Ҳиндистон бош министри М. Десаи 5 апрелда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Озарбайжон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Г. А. Алиевни қабул қилди. Г. А. Алиев сўҳбат вақтида КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежневнинг Ҳиндистон бош министрига ва бутун ҳинд халқига саломини топширди ҳамда энг яхши истакларни изҳор қилди, Совет Иттифоқи билан Ҳиндистон ўртасидаги дўстона муносабатлар янада мустаҳкамланади ва ривожланади, деб ишонч билдирди.

Бош министр М. Десаи айтдики, Совет — Ҳиндистон дўстлиги ҳар икки мамлакат халқларининг манфаатларига мос бўлиб тушади ва халқаро муносабатларда муҳим омилдир. СССР билан Ҳиндистон ўртасидаги муносабатларга раҳна солмоқчи бўлганларнинг умидлари, деди у, пучга чиқди. М. Десаи Ҳиндистон ҳукумати Совет Иттифоқи билан дўстлик ва ҳамкорлик муносабатларини мустаҳкамлаш учун ҳамма чораларни кўради, деб таъкидлади. Бош министр Совет Иттифоқи билан Ҳиндистоннинг халқаро кескинликни юмшатиш, қуролсизланиш ва бутун жаҳонда тинчликни мустаҳкамлаш йўлидаги курашда кўраётган тадбирлари катта аҳамиятга эга эканлигини уқтириб ўтди.

«ТИГРИС»НИНГ САЕҲАТИ ТУГАДИ

Норвегиялик олим ва саёҳ Тур Хейердал бошчилигидаги интернационал экипажнинг тўрт ярим ой давом этган денгиз экспедицияси ниҳоясига етди. Қадимги шумерларнинг кемаларига ўхшаб қамишдан қурилган «Тигрис» қайиғи шу вақт ичида Ироқдаги старт жойидан сал кам 7 минг километр масофани сузиб ўтиб, Бахрайн, Уммон, Покистон ва Жибути портларида бўлди. «Тигрис» Жибути портидан бир неча километр наридаги оролларда бирида сўнгги бор лангар ташлаб, тўхтади. Қайиқдан экспедициянинг барча материаллари олинганидан кейин Хейердалнинг қарори билан қайиқ ёқиб юборилди.

(ТАСС).

СССР ВА ФИНЛЯНДИЯ ХАЛҚЛАРИНИНГ МАНФААТЛАРИ ЙЎЛИДА

ХЕЛЬСИНКИ, 5 апрель. (ТАСС). Финляндия сароийда дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисидаги Совет — Финляндия Шартномаси имзоланган кунинг 30 йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш бўлди.

Йиғилишда Финляндия Республикасининг Президенти У. К. Кекконен нутқ сўзлади. У дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисидаги Шартноманиг аҳамиятига юксак баҳо берди. Президент айтганидек, ана шу Шартнома туфайли ҳозирги вақтда халқаро ҳамкорликда Финляндиянинг роли 30 йил аввалгига қараганда анча актив бўлиб колди.

Ҳозир Европадаги аҳвол анча осойишта бўлиб қолди, деди у. Шу билан бирга қуролланиш пойгаси инсониятнинг келажаги учун жиддий хавф тугдирмоқда. Финляндия қуролланиш пойгасини кучайтиришга олиб борувчи ҳамма нарсага қарши чиққани холда ўзи қуролсизланишга кўмаклашиш учун мумкин бўлган ҳамма ишларни қилишга тайёр.

У. К. Кекконен Финляндия иқтисодий жиҳатдан кийин йилларни бошидан кечирганлигини айтиб, Финляндиянинг социалистик мамлакатлар ва айниқса Совет Иттифоқи билан савдо-иқтисодий алоқаларининг аҳамиятини таъкидлади.

СССР билан Финляндия ўртасида 1990 йилгача савдо-иқтисодий, саноат ва илмий-техникавий ҳамкорликни ривожлантириш ва чуқурлаштириш узоқ муддатли программасининг бундан бир йил аввал имзоланганлиги даставвал янги йўл очилиши бўлди, деб таъкидлади президент. Кейинги уч йил ичида СССР Финляндиянинг савдо-сотиқ соҳасидаги энг асосий шериги бўлиб қолди, жамики ташқи савдо оборотимизнинг карийб бешдан бир қисми СССРнинг ҳиссасига тўғри келмоқда. Бу сакраш вактничалик ходиса бўлиб колмаслигига ишонч ҳосил қилиш учун ҳамма асосларимиз бор.

Финляндиянинг 60 йил мустақил яшаши катта-катта ларзаларга тўла оламшумул тарихий даврга тўғри келди. Шу вақтнинг ярмиси давомида мамлакатимизнинг хавфсизлик ва халқаро кўламдаги обрў-эътибори ошиб борган шароитда яшай олдик. Дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисидаги Шартнома тарих синовидан ўтди ва биз мана шу ҳаётбахш негизда шарқдаги қўшнимиз билан келгусида ҳам ҳамкорликни ривожлантириб боришимиз мумкинки, бундай ҳамкорлик тобора ҳар томонлама шакланиб бормоқда. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев бундан бир йил аввал дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисидаги Шартнома ҳақида гапириб, бу шартнома иккала халқнинг туб манфаатлари, ҳоҳиш-иродаси, тарих тажрибаси тақозоси билан юзага келган деган эди. Л. И. Брежневнинг «шундай шартномага эга бўлган мамлакатларимизнинг халқлари Совет—Финляндия муносабатларининг келажагига ишончлари комил, бу келажак равшан бўлиб, у пухта таъминлангандир», деган гапларига кўшилмай бўлмайди, деди пировардида У. К. Кекконен.

Сўнгра КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико нутқ сўзлаб, шонли юбилей муносабати билан СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Совети ва шахсан КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежневнинг самимий қутловларини таптанали йиғилиш иштирокчиларига, бутун фин халқига топширди.

А. А. Громико таъкидлади, СССР билан Финляндия ўртасидаги дўстона муносабатларнинг илдизлари ёш Совет давлати Владимир Ильич Ленин имзоланган Декретга мувофиқ Финляндиянинг давлат мустақиллигини биринчи бўлиб таниган тарихий кунларга бориб такалади.

«СССР билан Финляндия ўртасида 1948 йилда тузилган Шартнома уруштан кейинги Европада халқлар ўртасида тинч ҳамкорликни йўлга солишда муҳим воқеа бўлган эди. Бу Шартнома иқтисодий системалари турлича бўлган давлатларнинг тинч-тотув яшаш ленинча принципларини ўзида мужассамлантирган ёрқин ва катта ҳужжатлардан бири бўлди». —деган эди Леонид Ильич Брежнев.

Шартномага мувофиқ, давом этди А. А. Громико, Совет Иттифоқи шимолигарбий чегараларининг даҳлсизлиги, шунингдек, Финляндиянинг хавфсизлиги пухта гарантияланган, ўзаро манфаатли самарали ҳамкорликнинг барқарор системаси яратилган, зарур ўзаро ишонч вужудга келтирилган. Кенг кўламдаги сиёсий ҳамкорлик, мамлакатларимиз раҳбар арбобларининг анъанавий ва мунтазам шахсий мулоқотлари Совет—Финляндия муносабатлари юксак даражада эканлигидан далолат беради.

Совет Иттифоқининг раҳбарлари Финляндия билан ҳамма соҳаларда дўстона ҳамкорликни мустаҳкамлаш тўғрисида ҳамиша ғамхўрлик қилиб келмоқдалар. Бу — Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг йўли, бу йўл — бутун совет халқининг ҳоҳиш-продасидир.

Совет Финляндия икки томонлама муносабатларининг ҳамма соҳаларида юксак тараққиёт даражасига эришилди. Совет—Финляндия иқтисодий муносабатлари қандай ривожланиб бораётганлиги кишини мамнун қилади. Иккала мамлакатимизнинг иқтисодий ҳамкорлиги янада планли ва барқарор ҳамкорликка айланиб борянти, деб хисоблашга икки томоннинг ҳам асослари бор. Халқларнинг тинчлиги ва хавфсизлигини таъминлашга каратилган халқаро ишларда ҳамжиҳат бўлиб ҳаракат қилиш Совет—Финляндия муносабатларининг муҳим омили бўлиб қолди.

Совет Иттифоқи Финляндиянинг шимолий Европани ядросиз зона деб эълон қилишга ҳамда шу районда мустаҳкам тинчликни таъминлашга каратилган тинчликсевар ташаббусларини қўллаб-қувватлашини бир неча бор таъкидлади.

А. А. Громико пировардида бундай деди: Бугун биз Совет Иттифоқи билан Финляндия ўртасида дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисидаги Шартноманинг 30 йиллигини нишонлар экамиз. Финларнинг: «мевасига қараб дарахтга баҳо берилади» деган мақоли ёлга келади. Биз билан бизда дўстлигимиз дарахти яхши мева берди, деб айтишимиз учун ҳамма асослар бор.

ШАНБАЛИККА ҲАММА ШАЙ

Софиядаги Димитров райони саноат корхоналари коллективларининг В. И. Ленин туғилган кунининг 108 йиллиги муносабати билан 22 апрелда умумшаҳар шанбалигини ўтказиш тўғрисидаги даъватини София аҳоли қизғин қўллаб-қувватлади. Завод ва фабрикаларда, қурилишларда митинг ва йиғилишлар бўлиб ўтди. Митинг ва йиғилишларнинг қатнашчилари ташаббусни қўллаб-қувватлаб «Қизил шанбалик»ни зарбдор меҳнат кунига айлантиришга қарор бердилар.

Шу куни Болгария пойтахтининг карийб 800 минг аҳолиси ишлайди, деб маълум қилишди София шаҳар халқ кенгаши ҳузуридаги шанбаликни ўтказиш шаҳар штабида ТАСС мухбирига. Кўпгина меҳнат коллективлари шу куни тежаб қолинган материал, хом ашё ва энергия ҳисобидан ишлашга қарор қилди. Софиянинг ўн мингдаб аҳолиси ўз шаҳрини обод қилиб, қўкаламзорлаштиради.

Анъанага кўра, 22 апрель куни бир қанча янги объектларни — болалар боғча ва ясларини, ёшлар уйларини, савдо объектларини, спорт комплексларини ва шу сингариларни тантанали суратда очиш мўлжалланмоқда. Иш кунининг охирида шанбалик якунлари чиқарилгандан кейин бадиий ҳаваскорлик коллективлари, агитбригадалар меҳнаткашлар ҳузурида ўз маҳоратларини кўрсатадилар.

(ТАСС).

ХУНТАНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУЛТИҚЛАМОҚДАЛАР

Чилидаги ҳарбий фашист хунта билан ХХР ўртасида иқтисодий алоқалар авж олаётганлигидан далолат берувчи хабарлар Нью-Йоркка келиб турибди. Чилининг «Эрсилья» журнали иккала мамлакат ўртасидаги савдо-сотиқнинг аҳволи тўғрисидаги статистика маълумотларини гоят мамнунлик билан келтиради.

Чилининг ХХРдан қилган импорти, деб ёзади журнал, 1973 йилдаги 3 миллион 400 минг доллардан 1977 йил охирига келиб 10 миллион долларга қадар кўпайди. Чилининг ХХРга қилган экспорти 1977 йилда пул билан ифодалаганда икки ярим миллион долларлик бўлди. Бу эса Сальвадор Альенде ҳукумати вақтидагига қараганда, беш баравардан зиёд кўпдир. Бир вақтлар Сальвадор Альенде ХХР ҳукуматига мурожаат қилиб, ҳар иккала мамлакат ўртасидаги иқтисодий муносабатларни мустаҳкамлашга даъват этган эди. Ўшанда ХХР ҳукумати «катта имкониятлар ва маблағларга эга эмасмиз», деб жавоб қилган эди.

Бироқ, Чилида ҳокимиятни Пиночет бошлиқ фашист хунта босиб олгандан кейин ХХРнинг маблағлари ҳам имкониятлари ҳам топилиб қолди. Пекин хунтанинг элчисини таниб, ўз элчисини Сантьягода колдирганидан кейин хунтага ҳар томонлама мадад беришни таклиф қилди. Кўпгина давлатлар ватанпарварлардан гоят шафқатсизлик билан ўч олиш ниятларигига қарши норозилик белгиси сифатида хунта билан ҳар қандай алоқаларни узган бир пайтда ХХР ана шундай қилган эди.

(ТАСС).

БУГУН ОЛИЙ ЛИГА КОМАНДАЛАРИ ЎРТАСИДА МАМЛАКАТ XXXXI ЧЕМПИОНАТИ БАЙРОҒИ КЎТАРИЛАДИ.

ХАЛҚ СЕВГАН ЎЙИН

Футбол

Спортнинг ҳамма тури ҳам ўзига хос қизиқарли ва сершавқ. Зотан, улардан бирон биринингг мухлислари давраси кенглиги, жозибадор ва гўзаллиги, қоларверса, тасодифларга бойлиги чарм тўп ўйини билан қиёслаш қийин. Ҳа, мардонавор ўйин — футбол мамлакатимизда, шу жумладан, рес. публикамизда йил сайин оммалашиб бораяпти. Чунончи, яқин йилларгача пахтакор ўлканинг ўн командаси учинчи эшелон составига киритилган эди. Бу йил эса, иккинчи лигада тўп суратган Ўзбекистон командаси ўн тўрттага етди. «Пахтакор» коллективига ажойиб ўринбосарлар етказиб бериш учун тобора кенг имкониятлар яратилмоқда.

Бугун мамлакатимизда катта футболга старт берилади. Олий лига командаларининг мамлакат чемпионати байроғи бу сафар Днепропетровскда илк бор қилпирайди. Футболчилар-у мухлисларни стадион сари чорловчи жарангдор футбол маршидан кейин биринчи марта судьянинг ҳуштаги чалинади. Шу билан эрта баҳордан кеч кузгача давом этадиган баҳсларга бой чемпионат ўйинлари бошланади. Биринчи учрашувда «Днепр» футболчилари москвалик динамочиларни қабул қиладилар. Эртага эса қолган етти учрашув ўтказилади. Олий лигачилар қаторида чемпионлик учун курашга шайланиб турган «Пахтакор» футболчилари Марказий армия спорт клуби ўйинчилари билан куч синашадилар.

Мастерлар группасига қайтган пахтакорчилар мавсумга тайёргарликни эрта бошлашди. Мухлислар командамизнинг дастлабки ўйинларини «Неделя» ҳафталик газетаси сонини ўқиган мусофаларда кўрдилар. Сирасини айтганда, мутахассислар футболчиларимизнинг совриндорлик курашидаги бу ўйинларини кўриб, яхши фикрлар билдиришди. Шундан кейин ёпиқ ва очиқ майдонларда машқларга зўр берилди.

Ишқибозлар «Пахтакор»нинг дастлабки ўйинини Тошкентда киевлик армиячилар билан ўтказилган учрашувда кўрдилар. Футболчиларимиз бу ўйинда чемпионатга тайёргарликнинг ўзига хос синовидан муваффақиятли ўтиш билан бирга, мамлакат кубоги учун курашда астойдил эканликларини ҳам кўрсатишди. Ҳозир пахтакорчилар биллур соврин учун курашнинг нимчорак финалида турибдилар. Уйлаймизки, тбилисилик динамочилар билан такрорий учрашувда муваффақият қозониб, курашни давом эттириш имкониятига эга бўладилар. Биз мавсум арафасида «Пахтакор»нинг катта тренери ва ўйинчилари билан учрашиб, чемпионатга тайёргарлик борасида уларнинг фикрларини олдик.

Сергей ПОКАТИЛОВ — дарвозабон: Биз, дарвозабонларни команданинг кўрикчиси, деб аташади. Зеро, дарвоза дахлсизлигини таъминлаш фахрли, айни замонда масъулиятли эканини зарб билан тепилган тўпни ушлаб қололган ўйинчигина кўпроқ англайди. Олег Чечетин билан «Пахтакор» дарвозасини қўриқлашга жазм қилган эканмиз, ҳар иккимиз ҳам шунга яраша тайёргарлик кўрдик. «Пахтакор» дарвозасини «қуруқ» сақлаш учун барча имкониятларни ишга солишга ҳаракат қиламиз.

Олим АШИРОВ — ҳимоячи: Олий лигада ўйнаш албатта осон бўлмайди. Ўтган йили биринчи лигада тўп сурган кеслардагидек ҳаракат қилиш энди кифоя қилмайди. Командани маглубиятдан асраш учун ҳар жиҳатдан тезкор ва техник-тактик жиҳатдан етук ўйин кўрсатиш лозим бўлади. Уйлайманки, биз ҳимоячилар рақиб команда ҳужум қилган пайтларда дарвозабонни ёлғизлатиб қўймаймиз.

Владимир ФЁДОРОВ — ҳужумчи: Мавсумга тайёргарлик мен учун бошқачароқ кечди. Йил бошидаёқ мамлакат терма командаси составида Марокаш, Испания, Франция ва ГФР-да бўлдим. Бу мамлакатлар командалари билан учрашувларда муваффақият қозонганимиз, фақат жаҳон чемпионлари билан ўйинда панд еганимиз мухлисларга аён. Қадрдон командам — «Пахтакор» ҳақида гап кетганда коллективнинг мастерлар группасига муқим бўлиб қолиши тарафдориман. Ҳужумкорликни таъминлаш учун йиллар давомида ортгирган тажрибамни ишга соламан ва командадошларимни қўллаб тураман.

Александр КОЧЕТКОВ — пахтакорчилар устози: Команданинг мавсумга тайёргарликдаги сўнгги босқичидан мамнунман. Йигитларнинг шашти баландлиги киевлик армиячилар билан учрашувда кўзга ташланди. Биринчи учрашув натижаси қувончли бўлса-да, ўйинни яхши деб бўлмайди. Мен йигитлардан тезкорликни, тўп учун куйинчакликни, қоларверса, ҳужумкорликни кутган эдим. Мавсум боши бўлганидаммаи, бироз сусткашлик кўриниб турди. Уйлайманки, пахтакорчиларнинг маҳорати ўйиндан ўйинга сайқал топиб боради.

Пахтакорчиларнинг яхши ўйин кўрсатишлари учун ҳамма шароитлар муҳайё. Фақат, ихлос билан тўп суриб, ўзаро ҳамкорлик ўрнига қўйилса, бас. Бундай ҳаракат ҳужумкорлик касб этаверади. Икки йиллик танаффусдан кейин яна олий лигага қайтган «Пахтакор» футболчилари учун янги мавсумда мухлислар ишончини оқлаб, «оқ олтин» ижодкорлари номига яраша самарали ва серзавқ ўйинлар кўрсатишдек масъулиятли вазифа турибди. Футболчиларимиз бундай шарафли вазифани адо этишда барча имкониятларни ишга соладилар деб умид қиламиз.

М. ЗОИРОВ,
Ҳ. НОСИРОВ.

реклама ВА ЭЪЛОНЛАР

ЭЛЕКТР ВА ЁНҒИН

Ёнғин — офат. Унинг катта кулфат келтиришини ким билмайди дейсиз. Ўт ўчириш машиналари ёнғин чиққан жойга қанчалик тез етиб бормасин, барибир баъзан ёнғин ўз ишини битирган бўлади.

ХЎШ, ЁНҒИН НИМАДАН КЕЛИБ ЧИҚАДИ?

Статистика маълумотларига қараганда, ҳар тўрт ёнғиндан бири электр асбоб-ускуналарини монтаж қилиш ва улардан фойдаланиш қоидаларига риоя қилмаслик оқибатида келиб чиқади.

Турмушимизни пилесос, радиоприёмник ва телевизорларсиз тасаввур этиш қийин. Уларни ишлатиш чоғида тегишли қонун-қоидага риоя қилмасликнинг оқибати эса ёмон бўлиши, ўт чиқиши мумкинлигини баъзан унутиб қўямиз. Рўзғорда фойдаланиладиган электр асбоб-ускуналари узоқ вақт токка уланганича қолиб кетиши кўпинча ёнғинга олиб келади. Бажтинча, омонат уланган электр симларидан фойдаланилган пайтда ҳам ёнғин хавфсизлиги қоидалари бузилиши мумкин. Чунки бундай симлар контактлар маҳкам бирлашиши зарурлигига парво қилмай, шоша-пиша уланган бўлади. Қарабсизки, электр қувватининг қисқа туташуви рўй бериб, ўз-ўзидан ёнғин чиқади.

ҲУРМАТЛИ ЎРТОҚЛАР!

ЭЛЕКТР АСБОБ-УСКУНАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ҚУЙИДАГИ ОДДИЙ ҚОИДАЛАРИГА РИОЯ ҚИЛИШ БИЛАН ҲАР БИРИМИЗ ЁНҒИННИНГ ОЛДИНИ ОЛИШИМИЗ МУМКИН:

электр асбоб-ускуналарини ўзингизча ремонт қилманг;

вақтинча, омонат электр симлари ўтказманг ва улардан фойдаланманг;

электр асбоб-ускуналари токка уланганча қолиб кетишига йўл қўйманг;

болаларга катталарнинг назоратисиз электр асбоб-ускуналаридан фойдаланишга ва бу асбоб-ускуналарни токка улашга рухсат этманг;

эсингизда бўлсин, сим ва контактлар пухта ва маҳкам туташтирилган бўлиши керак.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ИЧКИ ИШЛАР МИНИСТРЛИГИНИНГ ЁНҒИНДАН МУҲОФАЗА ҚИЛИШ БОШҚАРМАСИ

«ЎЗЭНЕРГОСБИТ»НИНГ ДАВЛАТ ЭНЕРГИЯ НАЗОРАТИ ИДОРАСИ ХОДИМЛАРИГА САНОАТ КОРХОНАЛАРИ ВА МУАССАСАЛАРДА ЭЛЕКТР ТАРМОҚЛАРИ ҲОЛАТИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШНИ КУЧАЙТИРИШНИ;

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ОБЪЕКТЛАРИ РАҲБАРЛАРИГА ЭСА ЭЛЕКТР ЖИҲОЗЛАРИНИ МОНТАЖ ҚИЛИШ ВА УЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШДА ТАРТИБ ЎРНАТИШЛАРИНИ ТАКЛИФ ҚИЛАДИ.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ИЧКИ ИШЛАР МИНИСТРЛИГИНИНГ ЁНҒИНДАН МУҲОФАЗА ҚИЛИШ БОШҚАРМАСИ.

«УЗТОРГРЕКЛАМА» ТЕЛЕПРЕССАГЕНТЛИГИ.

7 АПРЕЛЬ—ЖАҲОН САЛОМАТЛИК КУНИ

ХАФАҚОН КАСАЛЛИГИ

Фан ва техника ниҳоятда тез суръатларда ривожланаётган XX асрда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш энг асосий проблемалардан бири бўлиб қолди. Бошқа кўпгина омиллар қатори атроф-муҳитнинг саноат чиқиндилари, зарарли моддалар билан ифлосланиши инсон саломатлигига салбий таъсир қилмоқда.

Бу йилги жаҳон саломатлик куни «ДИҚҚАТ, ЮҚОРИ БОСИМ!» шиори остида ўтаётганлигининг боиси ҳам шунда. Юрак, қон-томир касалликларининг олдини олиш ва шундай хасталикларни даволаш жаҳон миқёсида шиор қилиб қўйилиши бежиз эмас. Зеро, бу хасталик кейинги пайтда барча қитъа ва мамлакатларда кўпайиб бораётир.

Гипертония, яъни қон томирида босимнинг ошиб кетиши халқ орасида хафақон касаллиги деб юритилади. Узоқ йиллар мобайнида ана шу касалликни чуқур ўрганган олим Г. Ф. Ланг ва унинг шогирди А. Л. Мясников гипертония марказий асаб системаси фаолияти бузилишидан келиб чиқади деган назарияни илгари сурдилар. Маълумки, бу система организмдаги барча қон томирларини доимо назорат қилиб туради. Соғлом кишида бу томирлар ташқи муҳит таъсирида кенгайиб-торайиб туради. Аммо, ҳаддан ташқари қўрқиш ёки суюниш, ғам чекиш, даргазаб бўлиш ёки каттик ҳаяжонланиш, ақлий чарчаш, кам ухлаш энг аввало қон-томирларга салбий таъсир кўрсатади. Бу ҳол қон босими ошиб кетишига сабаб бўлади. Бундай пайтда қон томирлар кўпроқ торайиб бўлиб қолади ва пировардида гипертония касаллигига олиб келиши мумкин.

Оилавий келишмовчилик ва жанжал, уйда ёки иш жойида совуқ муносабатлар ва ўринсиз гап-сўз каби омиллар ҳам ана шу хасталикни кўзгатиши тажрибадан маълум. Бундан ташқари ички секреция безлари фаолияти бузилиши ҳам ана шу касалликка олиб келади. Шуни алохида қайд этиш керакки, тамаки чекувчилар, спиртли ичимликлар ичишга руҳу қўйганлар орасида гипертония касаллиги айниқса кўп учрайди.

Шуниси қизиқки, қон босими ошган беморлар анча вақтгача хаста эканликларини ўзлари билмасликлари мумкин. Одатда қон босими ёшга қараб турлича нормада бўлади. Чунончи 30-40 ёшда бу кўрсаткич 120/70 ёки 130/85, 50-60 ёшларда эса 130/70, 140/90 миллиметр бўлиши мумкин. Босим ана шундан ошдими бош оғриши, айланиши, қулоқ шанғиллаши, юрак санчиши, уйқу бузилиши мумкин. Шундай пайтда бош миясда ёки юракда, баъзан эса ҳар иккаласида ҳам оғриқ сезилади. Дастлабки даврда босимнинг 20/10 миллиметр ошиши ана шу хасталик авж ола бошлаганини билдиради. Вақт ўтиши билан бемор миясининг орқа томонида, икки чеккасида қаттиқ оғриқ сезади, ёмон ухлайди. Кейинроқ юраги тез-тез урааётганидан шикоят қиладн. Чарчаса, диққат бўлса, оғриқ зўрайиши мумкин. Шундай пайтда қон босими анча ошиб, асаб ва юрак-томир системаларида эса гипертония аломатлари рўй-рост сезилади. Дастлаб босим гоҳ кўтарилиб, гоҳ тушиб турса ҳам, кейинчалик нормал ҳолатга қайтиши қийинлаша боради. Бир оз ҳаракат қилса нафаси қисиб, ҳансираб қолади, юраги тез-тез уриб, кучли оғриқ сезади, кўз олдида худди қора парда тургандек туюлади.

Касалликнинг зўрайиши оқибатида юрак, бош мия, буйрак ва бошқа аъзоларнинг фаолияти бузилади. Натижада юракда мушак инфаркти, кучли нафас қисиш, ҳансираш, бош миясда эса қон айланишининг бузилиши, ҳатто қон қуйилиши натижасида шол бўлиб қолиш, буйракда эса организмни турли заҳарлардан тозалаш хусусияти издан чиқиши каби ҳолатлар рўй беради.

Гипертония аста-секин ривожланганн сабабли унинг белгилари кўпинча беморнинг эътиборидан четда қолади. Шу боисдан мамлакатимизда соғлиқни сақлаш органлари ташаббуси билан иш жойида ишчи ва хизматчилар профилактик текшириздан ўтказиб турилади. Бундан ташқари ўқишда ва ишга киришда, курорт карточкаси тўлдиришда, қоларверса, бошқа бирон касаллик билан шифокорга мурожаат қилинганда, албатта, қон босими текшириб кўрилади. Бу тадбирлар ана шу хасталикни бошланиш даврида аниқлаш ва унга қарши самарали тадбирлар кўришга ёрдам беради.

Хафақон касаллигига чалинган беморлар поликлиника ва амбулаторияларда алохида ҳисобда турадилар. Касаллик ҳолатига қараб йилда икки-уч марта даволанишади. Меҳнаткашлар сиҳат-саломатлигини муҳофаза қилиш мақсадида завод ва фабрикаларда ташкил этилган кечки профилакторийларда беморлар ишдан сўнг дам олиш билан бирга ўз саломатликларини мустаҳкамлайдилар.

Қон босими ошган кишиларга кечки сменада, сершовқин цехларда ишлаш тавсия этилмайди. Беморлар дам олиш кунларидан тўлиқ ва самарали фойдаланишлари зарур. Бундан фақат ётиб ухлаш, жисмоний ҳаракат қилмаслик керак эканда, деган маъно келиб чиқмайди албатта. Аксинча, тоза ҳавода бўлиш, сайр қилиш, табиат манзараларидан баҳра олиш, балиқ овига чиқиш, музей ва театрларда бўлиш асаб системасини тинчлантириб, беморга катта фойда келтиради.

Гипертония касаллигига чалинганлар овқатланиш режимига қатъий риоя қилишлари зарур. Улар тузланган гўшт, балиқ, помидор, бодринг ва бошқа шўр маҳсулотлардан мумкин қадар ўзларини тийишлари керак. Шунингдек, қази-қарта, димлама гўшт ва кучли таомлар емаганлари маъқул. Сутли таомлар, сервитамин сабзавот ва мевалар, ош қўклар уларнинг кундалик рационидан муқим ўрин олиши зарур.

Хасталикнинг характерига қараб врачлар турли дориларидан фойдаланадилар. Бошланғич даврида даволаниш муддати қисқа. Аммо, касаллик авж олиб кетгудек бўлса, узоқ ва мунтазам даволанишга тўғри келади.

Баҳор кезлари баъзан гипертония касаллиги кучайиб кетади. Бунга ҳаво босимининг ўзгариши шунингдек бу фаслда организмдаги биологик ўзгаришлар сабаб бўлади. Шунинг учун ҳам кўкламда гипертониягa чалинган беморларга профилактик-даволаш чоралари қўлланилади.

Замонавий медицинада бу касалликнинг олдини олиш ва уни молажа қилишнинг йўл ва воситалари кўп. Энг асосийси врачлар тавсиясига қатъий риоя этиш, улар белгилаган дори-дармонларни вақтида қабул этиш, парҳез қилиш, айниқса дам олиш кунлари ҳамда меҳнат отпускаларидан самарали ва ўринли фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон ССРнинг янги Конституцияси лойиҳасида бажо бойлик — меҳнаткашларнинг соғлиқларини сақлаш ҳуқуқи гарантияланибгина қолмай, бу ҳуқуқ барча зарур шарт-шароитлар билан таъминланажги ҳам алохида таъкидланган. «Диққат, юқори босим!» шиори остида кенг нишонланаётган жаҳон саломатлик кунини республикамиз шифокорлари Асосий Конун лойиҳасини қизғин маъқуллаб, эл саломатлиги посбонлиги йўлида янада зўр ғайрат-шижоат билан меҳнат қилиб кутиб олаётирлар.

М. ҲАМИДОВА,
медицина фанлари доктори, профессор.

О. БАҲОДИРОВ,
медицина фанлари доктори, профессор.

Ахборот

ТЕПЛОХОДДА КЎРГАЗМА

Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги бадиий кўргазмалар дирекциясининг «Ўзбекистон» теплоходи бортида бадиий ва фото кўргазмалар ташкил этиши анъанага айланиб қолди. Шу кунларда теплоход бортида Ўзбекистон рассомларининг 30 дан ортиқ график асарлари намойиш қилинмоқда. Кўргазмада рассомлардан Ж. Умарбеков, М. Содиқов, М. Кагаров каби бир қатор ёш рассомларнинг ижодларидан намуналар қўйилган.

С. ХАНЕВИЧ.

ПАХТАКОРЛАР ҲУЗУРИДА

Охунбобоев номли Андижон область ўзбек давлат музикали драма ва комедия театри ижодий коллективи шу кунларда баҳор мавсумида қизғин меҳнат қилаётган область пахтакорлари ҳузурида катта программада томоша кўрсатмоқдалар.

Улар Москва, Андижон, Ленинск, Избоскан, Балиқчи, Пахтаобод, Хўжаобод районлари колхоз ва совхозлари меҳнаткашларига концерт кўрсатиш билан бирга Ҳамзанинг «Заҳарли ҳаёт», Саид Аҳмаднинг «Келинлар кўзғолони», О. Эгамовнинг «Кампирга совчи келди» каби асарлари асосида яратилган спектакларни ҳам намойиш қилдилар.

Н. ИНОҚОВ.

БЎЛАЖАК МЕХАНИЗАТОРЛАР

Сариосиё районидаги Ленин номли колхоз ёшларидан 32 нафари колхоз марказида очилган 140-қишлоқ ҳунар-техника билим юртининг филиалида таълим олмоқда. Қишлоқ ёшларига Э. Боймирзаев, П. Холбоев, М. Абдуллаев каби мутахассислар ўз билим ва тажрибаларини ўргатмоқдалар.

Ғ. РАЖАБОВ.

ЯНГИ ҲАВО ИУЛИ

Кўҳна Қўқондан қардош Тожикистон республикаси пойтахти—Душанбе шаҳрига «Як-40» самолёти қатнай бошлади. Бу ҳаво лайнери ҳафтада 3 марта ана шу янги маршрут бўйича мовий осмонга кўтарилмоқда.

М. ЁҚУБОВ.

КЕКСАЛИК ГАШТИ

Қўқоннинг Водил кўчасидаги 20-уйда катта шодиёна. Меҳмонлар ва мезбонлар пиру бадавлат онахон—Комила биби Турсуновани 111 ёшни қаршилагани билан қизғин табриклашмоқда. Табаррук онахоннинг ўз фарзандларидан ташқари 11 набира, 42 невара ва 11 чевараси бор. Булардан 14 нафари олий маълумотлидир.

Қ. СУЛТОНОВА.

БИНОКОРЛАР ҲАМКОРИ

Завод-фабрикалар, музей, театр, уй-жойларнинг бунёд этилишида геологларнинг ҳам муносиб меҳнат ҳиссалари бор. Аёнки, иморат қуришдан аввал лойиҳа тайёрланади. Лойиҳа эса геология-инженерлик нуқтаи назаридан қидирув ишлари натижалари асосида вужудга келади. Бундай қидирув ишлари одатда геологлар зиммасида эканлиги кўпчиликка маълум.

Тошкентда қурилиш ишлари авж олиб кетганлиги бу ерда махсус инженер-техник қидирув ишлари институти тузишни тақозо этди. 1975 йилда иш бошлаган ёш институт Тошкент Архитектура-қурилиш бош бошқармаси ишини енгиллаштирмоқда. Геологик-инженерлик тадқиқотлари шаҳримиз шароитида чўкувчанлик хусусиятига эга лёссимон жинслар қатламини аниқлашда бинокорларга катта кўмак беряпти. Асрлар давомида инсон иштирокида вужудга келган маданий қатламлар эски шаҳарнинг айрим жойларида 20 метр қалинликкача етади. Бу қатламлар ўз таркиби жиҳатидан бўш, нозик. Табиий ҳолатида бундай қатламли майдонларда замонавий иморатлар қуриб бўлмайди. Хусусан, 9-20 қаватли баланд иморатлар қурилганда, бунда, қатламлар устидаги пойдевор чўкиши, тебранувчан бўлиши, инженерлик нуқтаи назаридан нобоп саналиши мумкин. Оқибатда иморатларнинг мустаҳкамлигига путур етади.

Геологлар қурилиш майдонларидаги ана шу шароитларни аниқлаб, чуқур таҳлил этиб, лойиҳачиларга аниқ маълумотлар берадилар. Агар улар иморатлар тикланадиган жойлардаги тупроқ таркибини пухта аниқламасалар, нотўғри маълумотлар берсалар, бино ва иншоотлар чўкиши, ёрилиши турган гап. Баъзан пойдевор ёқизиладиган майдонларнинг тупроқ таркиби аниқ ўрганилмаганлиги натижасида қурилган айрим иморатларни қайта тиклаш учун қўшимча маблағ сарфлашга тўғри келади. Шаҳарнинг Фарҳод кўчасидаги 7-уй, Роҳат ва Наққошлик кўчаларидаги айрим уй-жой бинолари, Автомарказ биноси қурилишида инженерлик-геологик ишлар пухта бажарилмаганлиги аниқланган.

Институтимиз мутахассислари Тошкент ери қатламларини ўрганишни такомиллаштириш, тадқиқот ишларини пухта адо этиш учун зарур тадбирларни кўрмоқдалар, лойиҳачи-бинокорларга қимматли тавсиялар тақдим этмоқдалар. Институтимиз геологлари ўнинчи беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажариш учун курашиб, зардоб йил дастлабки кварталы топшириғини муваффақиятли бажардилар.

А. ИСЛОМОВ,
Тошкент Давлат инженер-техник тадқиқотлар институтининг директори.
Т. ҒАФУРОВ,
институт инженерлик геологияси бўлимининг бошлиғи.

ДЎСТИМИЗ ХОТИРАСИ

Меҳнатсевар адиб ва журналист Аҳмад Шорахмедов шу йил 5 апрелда 78 ёшида вафот этди. Тошкент шаҳрида боғбон оиласида туғилган Аҳмад Шорахмедов 1919—1924 йилларда саводсизликни тугатиш курсларида қанчадан-қанча кишиларни ўқитди, уларни маърифат ўчоғига тортди.

1926—1936 йилларда у Ўзбекистон ССР Марказий Ижроия Комитети аппаратида, сўнгра 1938 йилгача Тошкентдаги маориф кадрлари малакасини ошириш институтида ишлади. 1941—1963 йилларда «Совет Ўзбекистони» газетаси аппаратида ишлади. Ёзувчи Ҳабиб Нуъмон билан биргаликда Ўзбекистон оксоқоли, марҳум Йўлдош Охунбобоевнинг улуғвор ҳаётини тасвирловчи «Ота» романини яратди.

Аҳмад Шорахмедов Батан олдидаги катта хизматлари учун «Ҳурмат Белгиси» ордени, бир қанча медаллар, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиқлари билан тақдирланган эди. Унга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими» фахрий унвони берилган эди.

ССР Журналистлар союзининг аъзоси, Ўзбекистонда матбуотимиз ривожига муносиб ҳисса қўшган атоқли журналист, софдил, саммимий, камтарин инсон Аҳмад Шорахмедовнинг ёркин хотираси қалбларимизда ҳамиша сақланиб қолади.

Бир группа ўртоқлари.

Редактор
М. ҚОРИЕВ.

Театр

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 8/IV да **Афсоналар водийси** (12.00, билетлар сотилган), **Тоҳир ва Зуҳра** (19.00).

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 7/IV да **Келинлар кўзғолони** (17.00), **Оловни ташлама, Прометей.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 7/IV да **Ужарлар**, 8/IV да **Она қизим.**

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЁШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 7/IV да **Ун саккиз ёшлигим**, 8/IV да **Тўй муборак, қари қиз.**

«ПАХТАКОР» МАРКАЗИ СТАДИОНИДА

ФУТБОЛ БЎЙИЧА СССР БИРИНЧИЛИГИ ОЧИЛАДИ

8 апрель соат 17.00 да
«МАСК» (Москва) — **«ПАХТАКОР»** (Тошкент)
12 апрель соат 19.30 да
«ЛОКОМОТИВ» (Москва) — **«ПАХТАКОР»** (Тошкент)
ОЛИЙ ЛИГА КОМАНДАЛАРИ ЎРТАСИДА

ФУТБОЛ

Цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **ЯНГИ МОСКВА ЦИРКИ АРТИСТЛАРИНИНГ ХАЙРЛАШУВ ГАСТРОЛЛАРИ.**

Кино

САНЪАТ САРОЙИ — **Қасоскор** (катта зал, кундуз ва кечқурун).

Қасоскор — «ЧАНКА» (11, 13.30 16, 18.30, 21.00), «ДРУЖБА» (11, 12, 13.30, 16, 17, 18.30, 20.00), «МОСКВА» (кундуз ва кечқурун).

Тақдир — ЛИСУНОВ номли (кундуз ва кечқурун).

Қушдек енгил бўлинг ёки тақдир ўйини — «ИСКРА» (19.30).

Синдбоднинг еттинчи саёҳати; Синдбоднинг олтин саёҳати; — «КОМСОМОЛ 30 ИЙЛЛИГИ (12, 16, 20.00).

Ўзбекистон Журналистлар союзи правленеси ва «Совет Ўзбекистони» газета редакцияси коллективи, СССР Журналистлар союзининг аъзоси, газетанинг собиқ ходими

Аҳмад ШОРАҲМЕДОВнинг

вафот этганлигини билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига, дўст-ўртоқларига чуқур таъзия изҳор қиладилар.

Ўзбекистон ССР Автомобиль транспорти министрлиги министр ўринбосари Ж. А. Шорахмедовга, Ўзбек Совет Энциклопедияси Бош редакцияси коллективи Бош муҳаррир ўринбосари, фалсафа фанлари кандидати Д. А. Шорахмедовга оталари

Аҳмад ШОРАҲМЕДОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этадилар.

Тошкентдан гапирамиз ва кўрсатамиз

Телевидение

БУГУН

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — «Вақт». 9.35 — Гимнастика. 9.55 — «Олтин шайба» клубининг соврини учун. 10.10 — «Йўқ» деа олмаган одам (бадиий фильм). 12.00 — Концерт. 15.00 — Ҳужжатли фильмлар. 16.00 — «Шаҳмат мактаби». 19.30 — Фильм-концерт. 17.00 — «Объектив». 17.30 — «Москва ва москваликлар». 18.00 — «Болаларга ҳайвонлар ҳақида». 18.30 — Янгиликлар. 18.45 — Мультфильм. 19.10 — Иттифоқдош республикалар Конституциялари лойиҳалари ҳақида суҳбатлар. 19.40 — Музикали программа. 20.20 — «Елканлар» (бадиий фильм, 1-серия). 21.30 — «Вақт». 22.00 —Спорт гимнастикаси бўйича халқаро турнир. 22.45 —Концерт. 23.55 — Янгиликлар.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

11.30 — Ўқув кўрсатуви. 12.00 — «Қизиқарли учрашувлар». 12.30 — «Ҳар оқшом шамол» (бадиий фильм). 13.40 — «Светофор». 18.00 — «Ёшлик». 18.30 — Фильм-концерт. 18.45 — «Сиҳат-саломатлик». 19.15 — «Ахборот». 19.30 — «Мамлакат киноҳужжатчилари — студиямиз меҳмони». 20.30 — «Ахборот». 20.50 — «Каса Маре» (спектакль). 21.30 — «Вақт» (Москва). 22.00 — Чорвадорлар учун кўрсатув. 22.15 — «Каса Маре» (спектакль давоми).

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.00 —Болалар учун фильм. 19.40 — Инглиз тилида сўзлашишга ўрганинг. 20.10 — Янгиликлар. 20.30 — Ўқитувчилар учун консультация. 21.00 — Концерт. 21.40 — Ўқув кўрсатуви.

Радио

БУГУН

ВИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Ўзбек халқ қўшиқлари. 9.30 — Ўзбекистон ёш композиторларининг қўшиқлари. 11.15 — Ривожланган социализм ва миллий муносабатлар диалектикаси» (суҳбат). 11.30 — Балетлардан рақслар. 12.00 — «Ўзбекистон индустриальний». 13.00 — Кузилатиш мавсумини намунали якунлайлик. 13.30 — Иттифоқдош республикалар эстрадаси. 14.00 — Циллачиларнинг долзарб дамлари. 16.10 — Ёшлар учун музикали соат. 19.00 — «Сиёсий билимлар радиоуниверситети». 19.15 — «Юность Узбекистана». 20.25 — Сирдарё ГРЭСи қурувчилари учун концерт. 21.00 — Қишлоқ меҳнаткашлари учун кечки концерт. 22.00 — Санъат усталарининг концерти. 22.30 — «Маочиларнинг Африкалаги кирдикорлари» (суҳбат). 22.40 «Ёдингдами, оғайни» (радиопостановка).

СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ

Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

Редакция адреси: 700000, ГСП, Тошкент, Ленин проспекти, 41.

ТЕЛЕФОНЛАР: редактор — 33-65-45, 32-53-04; редактор ўринбосарлари — 33-79-14, 32-53-05, 33-06-83, 32-55-04; масъул секретарь — 33-44-55, 32-55-05; секретариат — 33-72-83, 32-53-06. БУЛИМЛАР: партия гурмуши — 33-34-69, 32-53-97, 32-57-19. марксизм-ленинизм назарияси пропагандаси — 32-55-70; халқаро ҳаёт — 32-54-18; саноат, транспорт ва капитал қурилиш — 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09, қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70; адабиёт ва санъат — 33-20-36, 32-54-35, 32-55-16, совет қурилиши — 32-57-20, 32-54-26; фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 32-57-21, 32-54-24; ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17, 32-54-26, 32-54-27; хатлар ва оммавий ишлар — 33-21-43, 33-35-53, 32-53-16, 32-53-20, 32-53-21, 32-54-13; иллюстрация — 32-57-22, коммунистик тарбия — 32-54-29, стенографистка — 33-73-43, 32-54-05; жамоатчилик қабулхонаси — 33-89-26, 32-52-26, эълонлар бўлими — 33-81-42. ОБЛАСТЬ МУХБИРЛАРИ — Тошкент — 32-53-29; Самарқанд — 3-19-72; Сирдарё — 2-09-70; Сурхондарё — 55-35; Хоразм — 51-24; Бухоро — 3-31-42; Қашқадарё — 38-42; Фарғона — 4-20-84; Наманган — 6-79-92; Андижон — 4-48-85; Жиззах — 31-66; ҚҚАССР — 2-42-62. Нашриёт диспетчери — 32-78-94, Нашриёт телефон станциясининг навбатчиси — 33-90-50.

Р. 00285. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри. Индекс 64583. Д. — 80.